



# MILLIY TIKLANISH

41 (154) 2011 йил 19 октябрь, чоршанба Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси  
www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

## Оилавий тадбиркорлик

Қонун лойиҳасининг асосий мақсади иқтисодийнинг турли соҳаларида оилавий тадбиркорликни кичик бизнеснинг муҳим шакли сифатида ривожлантириш учун мустаҳкам қонунчилик базасини яратиш, оилавий бизнес учун ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш ва янги иш жойларини ташкил этишдан иборат.



## Фалокат оёқ остида

Кейинги 4-5 йил ичида океан ва денгизларда нефть ортлган кемаларнинг тўқнашиши, портлаши, ёнғин содир бўлиши ёхуд саёзликда ботиб қолиш ҳолатлари тез-тез кузатилмоқда. Хусусан, шу йилнинг 5 октяб-рида Либерия байроғи остида ҳаракатланаётган, узунлиги 236 метрни ташкил этувчи "Рено" кемаси сайёҳлар билан гавжум Бейоф-Пленти бухтаси яқинида сув ости қоясига урилиб, ҳаракатланишдан тўхтаган.



## "Олтин Гепард"

Пойтахтимиз Тошкент санъат ихлосмандлари ва ҳаҳон киносанъати усталари диққат марказида. Бугун "Олтин Гепард" биринчи Тошкент халқаро кинофоруми иш бошлайди. Бу йирик анжуманни юртимиз кино ихлосмандларига аталган ўзига хос совға, десак янглишмаймиз. Дунёнинг таниқли режиссёр, оператор, продюссер, актёр ва актрисалари, мутахассислари иштирок этадиган ушбу кинофорум ўзбек кино оламида катта воқеага айланиши шубҳасиз.

3 СИЁСАТ

7 ХАЛҚАРО ХАЁТ

8 КЎЗГҮ

## НИГОХ



# Ҳал қилувчи уч йил тасвири

## "МУСТАҚИЛЛИК АРАФАСИДА ЁКИ ШҶРОЛАРНИНГ СЎНГИ ТАЛВАСАСИ" ФИЛЬМИ ҲАҚИДА

Бу фильми шу юртда яшайдиган ҳар бир инсон албатта кўриши керак. Чунки...

Тасаввур қилинг: бир эл-улус ташналикдан мадори қуриб, ҳолдан тойиб саҳрода кетаётди. Жазирама иссиқ. Чидаб бўлмайдиган шароит. Офтоб олов пуркайди. Сув, сув, дея инграйди минглаб одамлар. Ана шундай ҳалокатли вазиятда нажот йўлини билладиган йўлбозчи ўз элини оби ҳаёт манбаига — тиниқ сувли бу-

лоққа бошлайди. Одамлар қониб-қониб сув ичишади. Ям-яшил, гўзал водийга, фаровон ҳаётга етиб олишади.

Йиллар ўтиб, одамлар ўша қақроқ, тоқатни тоқ қилган кунларни, уларни ҳаётга қайтарган тиниқ сув наҳидасини унутса, адолатдан бўладими?! Йўқ, Топдингиз. Ношукрлик бўлади.

Эл-улус яна қайта ўша кўйга тушмаслик учун озодлик, деб ўтган машаққатли йиллар ва йўлларни ҳеч қачон унутмаслиги керак.

Буюк истиқлолимизнинг йи-гирма йиллик қутлуг байрами кунларида Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш этилган "Мустақиллик арафасида ёки шўроларнинг сўнги талвасаси" фильми маънавий ҳаётимизда жиддий воқеа бўлди, десак, муболага бўлмайди. Бу фильм асрлар бўйи озодликка интилиб яшаган халқимизнинг 1989-1991 йиллардаги тарихий кечмишини кўрсатади.

2-бет

## ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

# Оилавий тадбиркорлик

## УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ЯРАТИЛАДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги йиғилишида қуйи палата яли мажлисига киритилиши кўзда тутилаётган қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Унда фракция аъзолари, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси девони ходимлари, вазирилик ва идоралар мутасаддилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.



Концепцияси»га мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар.

3-бет

Дастлаб, фракция аъзолари давлатимиз раҳбари тақдим этган "Мамлакатимизда демок-

ратик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш



# "Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



## ХАБАРЛАР

### Ёш фотожодкорлар кўргазмаси

Тошкент Фотосуратлар уйида мазкур ташкилот қошида фаолият юритаётган мактаб-студия битирувчиларининг ижодий ишлари кўргазмаси ташкил этилди.

Тошкент Фотосуратлар уйи қошида ижодий фотография мактаб-студиянинг фаолият бошлаганига ўн йил бўлди. Ўтган вақт мобайнида унда тахсил олган ёшлар халқаро фотобиенале, кўргазма, тасвирий санъат ҳафталиклари ва кўрик-танловларда совринли ўринларни кўлга киритиб келмоқда. Мазкур кўргазмада мактаб-студия битирувчиларининг суратлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

### «Нодира чевар»нинг ютуғи

Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги «Нодира чевар» хусусий корхонаси шу йилнинг бошида иш бошлаганига қарамай сезиларли ютуқларга эришди.

«Ташаббус-2011» кўрик-танловининг вилоят босқичи совриндори, «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан» кўрик-танловда «Энг мохир уста» номинацияси бўйича голиб топилган корхонада шу йилнинг ўтган даври мобайнида ўн беш миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланган. Маълумотларга қараганда, вилоятда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури асосида жами икки мингга яқин кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, 20 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилган.

### Мувофиқлаштириш комиссияси йиғилиши

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 декабрда қабул қилинган "Телерадиоэшиттириш соҳасида радиочастота спектрдан самарали фойдаланишни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ радиочастоталарни танлов йўли билан тақсимлаш ва телерадиоэшиттириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга яқка тартибдаги субъектларга лицензиялар бериш бўйича танлов ўтказилди. Танлов якунида жами 19 радиочастота бўйича келиб тушган буюртманомалар кўриб чиқилди ва голиблар аниқланди.

## ДАВРА СУҲБАТИ



# Халқимизнинг маънавий бойлиги, миллий қадрияти

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигига ҳам 22 йил тўлди. Ўтган давр мобайнида тилимиз сайқаллашиб, ривожланиб борди. Мухтарам Президентимиз ташаббуси билан истиқлол йилларида она тилимизга маънавий-маданий мерос, умуммиллий бойлик сифатида қаралиб бу борада улкан ислохотлар амалга оширилди. Айниқса, тил, нутқ маданиятини оширишга қўмаклашиб, адабий тилдан фойдаланиш қоидалари бузилишига қарши аниқ мақсадларга қаратилган ишлар олиб бориш, давлат тилининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришни ўзининг устувор мақсадларидан, деб билган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси бир қатор тадбир, давра суҳбати ташкил этиб келмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Республика Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда "Тил, тараққиёт, маънавият" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Республика Маънавият тарғибот маркази фаоллари, олимлар, ёзувчи-шоирлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

4-бет

## ЖАРАЁН

# Тил — олий қадрият

Дарҳақиқат, тил — умумбашарий, олий қадрият, муқаддас неъмат. Тил миллатни, инсон деган онгли мавжудотни, унинг руҳини, ғурурини вужудга келтирган, онг ва тафаккурини ифода этиш воситасидир. Табиат бундай олий неъматни фақат инсонларгагина ато этган.

Улуг бобокалонимиз ҳазрат Алишер Навоий она тилимизнинг бой имконияти ва афзалликларини амалда кўрсатиб берди. Собиқ тузум даврида тилимизнинг мулоқот доираси жуда тарайиб, унга нисбатан эътибор йўқолган эди. Хали қизил империядан батамом холи бўлмаган ўта қалтис даврда, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий

мураккаблиқларга қарамай, Мухтарам Президентимиз таъбир жоиз бўлса, жасорат намуналарини кўрсатиб, она тилимизни дадил ва мардона ҳимоя қилди. Тилимиз давлат тили мақомини олишига бош бўлди. Она тилимиз Ўзбекистон деб аталмиш юртининг давлат тили мустаҳкамлаб қўйилди. 1989

йилнинг 21-октябрида "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида"ги қонуни қабул қилиниб, бу тарихий ҳужжат давлат тилининг ҳуқуқий мақомини белгилади, тилимизнинг имкониятларидан кенг фойдаланишга замин яратди. Она тилимизнинг эркин ишлатилиши ва қўлланиши шунингдек, мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва эл-ларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши, уларнинг ривожланиши учун шароит яратилишига ҳуқуқий асос бўлди.

5-бет

# ЖАРАЁН

## НИГОХ

(Давоми.  
Боши 1-бетда)

Бу фильм бирон-бир сценарист ёки режиссёрнинг ижодий фантазияси маҳсули ёки машҳур актёрлар роль ўйнаган бадиий кино асари эмас. Ҳаёт ҳақиқати. Сиз бу картинани томоша қилар экансиз, яқин тарихимиздаги ўша ҳал қилувчи уч йиллик ҳаёт воқеаларини кўриб, турли ҳолатларга тушасиз. Нафратланасиз, кўрқасиз, қувонасиз, ачинасиз, ғурурланасиз. Чунки 70 дақиқа руҳан, ҳаёлан ўша 3 йилда яшайсиз. Ҳолбуки, халқимиз 70 йилдан ортиқ шу аҳволда яшаган эди.

Фильм Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архиви, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Ўзбекфильм" киностудияси, Ўзбекистон Республикаси илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студияси, Ўзбекистон Республикаси давлат кино-фото ҳужжатлар архиви материаллари асосида тайёрланган. Бу эса унда акс эттирилган материалларнинг ҳаққонийлиги ва ҳолислигининг кафолатидир.

Сиз 70 дақиқа давомида беихтиёр 1989-1991 йилларнинг суронли, изтиробли, умидли кунларини бошингиздан кечиргандек бўласиз. Москвадаги танклар моторлари товушини эшитгандек, Фарғона, Бўқада бузғунчилар ёққан миллатлараро можаролар алангасининг аччиқ ту-тунини ютгандек бўласиз. Собик Марказнинг дахшатли ўқирқиларидан сесканасиз. Йиғлаётган гўдаклар, оналарнинг кўз ёшларида "Биз ким эдик?" деган саволингизга бамисоли жавоб толгандек бўласиз.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Фильм бизни ўтмишнинг нурутмасликка чорлайди. Огоҳлантиради. Ибрат, оқибат дарсини ўтайди. Бирлаштиради.

## ЖЕФФЕРСОН БИЛМАГАН ҲИҚМАТ

"Озодлик дарахти вақти-вақти билан ватанларварлар ва босқинчиларнинг қони билан сугориб турилиши керак. Бу — унинг табиий ўғитидир", - деган экан Томас Жефферсон. Албатта, ўз давридаги муайян вазият тақозосидан келиб чиққан ҳолда ай-тиланган бу гапга қўйиш ёки уни рад этиш ҳам мумкин. Лекин дунёда биз билган бошқа бир ҳақиқат ҳам борки, уни улуг маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудий "Ҳақ берилмас — ҳақ олинур", деб ифода этганлар. Ҳақиқатан ҳам мустақилликка ҳеч бир миллат гулрайхон билан қорланган текис, равон йўлдан килиб бормаган.

Балки, Жефферсон Ватан озодлиги учун тўкилган қон — муқаддас, қон тўкиб, Ватанин озод қилиш — буюк жасорат, демокчи бўлгандир. Лекин бунда босқинчи ёки душманга қарши курашаётган инсоннинг ҳам қони тўкилади-да. Тарихий миллий озодлик учун курашининг шу йўлини биларди. Лекин на душманин, на ўз халқининг қонини тўкмай, ҳеч қандай босқинчи етим қолдирмай Ватанин озод қилиш қийин. Бунинг учун шунча жон, шунча қон баҳосига тенг турадиган, ўз халқи ва Ватанига чекисиз муҳаббат, улкан донишмандлик, шижоат, сиёсий маҳорат ва жасорат керак.

Маърифатли халқлар ўзларини озодликка олиб чиққан миллий қаҳрамонларини, саркарда ва йўлбошчиларининг номларини абадий ёзозлайдилар. Миллионлаб одамларнинг ҳаётини сақлаб, халқини озод қилган инсонлар дунёда бармоқ билан санарлидир. Минг-минг шукрки, Ўзбекистоннинг озодлиги миллионлаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлиш эвазига эмас, Юртбошимиз Ислоом Каримовнинг буюк салоҳияти, мустақкам иродаси, қатъият ва матонати эвазига қўлга киритилди. Бу — миллий озодлик учун курашининг жаҳон тарихидаги камдан-кам учрайдиган йўлидир, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шунинг учун бўлса керак, фильмда ҳорижлик халқроқ эксперт Зураб Тодуа "Шу пайтгача Шахнинг тарихидаги роли етар-



# Ҳал қилувчи уч йил тасвири

"МУСТАҚИЛЛИК АРАФАСИДА ЁКИ ШҶРОЛАРНИНГ СЎНГИ ТАЛВАСАСИ" ФИЛЬМИ ҲАҚИДА

ли баҳоланмай келди. Ваҳоланки, тарихнинг қалтис бурилиши палласида у ёки бу шахс бўлмаса, тараққиёт бутунлай бошқа томонга қараб кетиши мумкин. Шу маънода, Ўзбекистон тинч, тадрижий йўл билан мустақилликка эришиши ва ривожланиши мумкинлигини исботлагани гоёта муҳимдир", деб таъкидлайди.

Фильмда колониал ўлкаларидан — "соғин ситир"идан ажралиб қолишдан кўриб, талвасага тушган Марказнинг жон аччиғида тўлғаниб, уюштирган ёвуз фитналарини кўрасиз. Ёнаётган уйлар тутунидан кўзингиз ачишгандек, нафасингиз бўғилгандек бўлади. Азалдан дўст бўлиб яшадан, бироқ бузғунчи қўларнинг қутқусига учиб, беғоналашган қардошларни кўрасиз. Бугун улар бу фитналарни ким уюштирганини, ким, нима мақсадда уларни бир-бирига гиж-гижлаганини яхши билдилар.

Ана шу қабих қўчлар нураб бораётган империяни сақлаб қолиш учун жаҳолатдан ақлини йўқотган тўдаларга вертолётлардан қуроллар ташлаб турди. (Бу вертолётларни кўрган кўзлар ҳали тирик). Бутун Урта Осиёни ёндириб юбориши керак бўлган миллатлараро биродарқушликнинг олди олинди. Бунинг учун шу урушни тўхтатиш қудратига тенг ирода, қатъият, сиёсий донишмандлик керак бўлди. Ва бу ҳислатларнинг барчаси Ўзбекистон Президентини тиссолида яққол намойён бўлди.

## СИЗ КЎРАДИГАН МАНЗАРАЛАР

Фильмда Ўзбекистон Қаҳрамони, марҳум устозимиз Озод Шарафиддинов ёкин ўтмиш воқеаларини чўқур мушоҳада қилар экан, "Ҳар бир халқ ўзига муносиб раҳбарга эга бўлади", деган лотин ҳикматини эслаб ўтиши албатта бежиз эмас.

Сиз фильмда Гўлян ва Ивановнинг совуқ туркини, "Пахта иши"нинг жабрдийдалари — механизатор, бригадирларнинг тушқун, эзилган қиёфаларини кўрасиз; СССРнинг собиқ раҳбари М.Горбачёвнинг "Пахта иши" ҳақидаги "Ҳа, яхши иш бўлди. Бўлар иш бўлди. Ўзим, Политбюро, совет ҳукумати — биз сизлар билан бирга ташвишландик", деб носамимий хўрсинишларини эшитасиз. Бу сунъий ҳамдардлик тимсоҳнинг кўз ёшларини эслатади. (Ўлжасини ғажиётганида тимсоҳнинг кўзидан сув чиқар экан. Бу унинг ошқозони шира ажратаётганини кўрсатар экан).

Ўзбекистон ССРнинг собиқ раҳбари Р.Нишоннинг ёнидаги амалдор ва колхозчиларга қарата: "Тўғри. Тўғри. Тўғри демайсанларми", деб Горбачёвга бош лиқиллатишларини; туғишган укасини у дунёга қулаётган акага "диний маросимда қатнашди" деган айбнома ёзил-

ган газетани кўрасиз; Марказдан юзлаб бетаин кимсаларнинг гўёки "халоллик десанти" қилиб республикамизга юборилганини, амалда Ўзбекистонни шулар бошқарганидан воқиф бўласиз;

дарди кўп, дармони йўқ халқимизни, тинка-мадори қуриган, жафокаш опа-сингилларимизнинг хорғин чеҳраларини; қабристонда бир кунда пайдо бўлган ўнлаб янги қабрларнинг тасвирини кўрасиз; домла Озод Шарафиддиновнинг "Халқнинг ижтимоий-иқтисодий ноҳорликка қарши норозилигини бостириш, чалғитиш учун янги найранг ўйлаб топишди. Бу — Қувасойда бошланган миллатлараро можаро эди", деган сўзларини тинглаб, ларзага тушасиз;

эшигига рақам эмас, эгасини миллати ёзилган дарвозаларни кўрасиз. Ўша оловли кунлар гувоҳларининг сўзларини эшитасиз; хорижлик экспертларнинг ҳолис хулосаларини тинглайсиз; Ўзбекистоннинг янги раҳбари томонидан қишлоқ аҳолисига ер берилсин, деган буйруқни олган, тушунган, лекин кўрқиб, бермаган, бунинг учун қаттиқ огоҳлантирилган сельсовет раисасининг миннатдор чеҳрасини кўрасиз;

нуроний отахон водийда каталакдек ҳовлиларда 10-12 киши бир хонани унга бўлиб яшаганлиги ҳақида алам-афсус билан гапиради. Жуда қисқа муддат — 1,5-2 йил мобайнида 1,5 млн. оилага қўшимча ер, 700 минг янги оилага томорқа ерлари ўнлаб берилганига доир кадрлар билан танишасиз;

ГКЧПнинг ноқонуний қарорларини қўллаб-қувватлаб, Марказ гушмасига айланган, ўзимиздан чиққан мунофиқ раҳбарларнинг кирдикорларидан огоҳ бўласиз; Ҳиндистонга қилинган расмий ташрифдан қайтаётган Ўзбекистон раҳбари Ислоом Каримовни Тошкент аэропортида кутиб олган расмий шахслар орасидаги Марказдан келган учта совет генералининг совуқ қиёфасини кўрасиз;

"Биз энди мустақиллик!" деган, асрлар давомида қутилган хушхабар эълон қилинган тарихий дақиқалар гувоҳ бўласиз. Давлат раҳбари "Биз энди мустақиллик!" деса ҳам хайрон ўтирган депутатларни кўриб, хайрон бўласиз. Улар ўзларининг кўз ўнгиде Ўзбекистонни СССР чангалидан юлиб олган инсоннинг жасорати олдида лол эдилар. "Қани қарсақлар?" деган ўқтам савол уларни хушга келтиради. Улар ўтириб, кейин... туриб қарсақ чаладилар. Лекин нега хурсандлар кам, хайронлар... кўп деб хайрон қоласиз;

1991 йил 9 декабрь. Соат 9:00. Наманган область ижроия комитети босинини куч билан эгалаб олган, жазаватга тушган жоҳил оломонни, ана шу оломон

орасини қоқ ёриб, қайтиб чиқишга кафолатсиз, борса қилмас жойга кириб бораётган Президент Ислоом Каримовнинг қатъий қиёфасини кўрасиз;

Фильмнинг ана шу жойида эксперт Зураб Тодуанинг мана бугагларига диққат қилинг: "Бундай бинога бир ўзи, кўзи қонга тўлган оломон қуршовига кириб бориш учун одамда мислсиз катта жасорат, метин ирода бўлиши керак. Ўзбек халқи учун ҳал қилувчи ана шу кунда Ислоом Каримовдек раҳбарнинг бўлгани Ўзбекистоннинг бахти, деб ҳисоблайман".

Орадан йиллар ўтиб, Юртбошимиз Наманган вилоятида оломон билан юзма-юз бўлган ўша залда туриб, бир ёш йигит шундай дейди: "Агар Президентимиз ўшанда мана шу мен турган жойида бўлмаганлариде, ўз сўзлари билан одамларни тинчитмаганлариде, бизнинг келажакимиз ҳозиргидек бўлмаган бўлар эди".

## 1989 ЙИЛ 23 ИЮНЬ

Фильм воқеаларидан яна бир бор англаб етамизки, айни шу кун мамлакатимиз тақдирда акескин бурилиш ясаган кун бўлган. Чунки худди шу кун республика раҳбари этиб тайинланган Ислоом Каримов эртасига Министрлар Советининг кенгайтирилган мажлисида сўзлаган нутқиде "Биз энди эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи ҳам йўл қўймайди" деган тарихий даъват билан халққа мурожаат қилди.

Келади даврида Ўзбекистон аҳолиси "иккинчи сорт" одамлар ҳисобланган эди. Кўп далиллардан бири: Ўзбекистон фуқаросига бошқа республикалар фуқаролари истеъмол қилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг атиги ярми тегади. Содда қилиб айтганда, бошқа республикаларга — бутун, бизга эса — яримта нон бериларди.

Фильмдаги уйларга эътибор қилинг. Уларни кўриб, нахотки ота-боболаримиз шундай уйларда яшашган бўлса. Ахир бу Африканинг қашшоқ мамлакатлари манзараси-ку, деб юбора-сиз. Ичингиз қуйиб кетади.

Жаҳонда совет давлатининг рамзи фақат ўроқ-болга эмас эди. Яна битта муҳим белгиси бўлиб, унинг номи "очередь" эди. "Очередь" нималигини фильмда кўрасиз. Шукрки, одамни таҳрир қилиш навабатда туриш нималигини бугунги ёшларимиз билмайдилар.

Фарғона фожиаси рўй берган мудҳиш кунларда СССР Олий Совети раисининг ўринбосари этиб сайланган Ўзбекистоннинг собиқ раҳбари Р.Нишоннинг "Ўзбекистонда нима бўляпти?" деб сўрашади. У республикадаги ҳақиқий аҳволни,

танг ижтимоий-иқтисодий муаммоларни айтишга кўриб, "Иккита одам бозорда қулундай талашиб қолиб, шундан жанжал чиқибди", дейди. Бу собиқ раҳбарнинг ўз халқига берган баҳоси эди. Менинг халқим — иккитаси қулундай талашса, бўлиниб, қирпичоқ бўладиган ваҳший, дегани эмасми бу?

Ахир, айни шу дақиқаларда у юртимизда ўнлаб одамлар ўлганини, юзлаб уйлар қулга айланганини, қанча-қанча қишлоқлар жароҳат олганлигини жуда яхши биларди-ку! Лекин ўзини масъулиядан ғайиб қўчиб, "Марказга ёқиб, ўзи "пиширган ош"ни меники эмас, деб, мансабини сақлаб қолиш учун халқ юзига оёқ қўйишдан тап тортмайди.

Халқроқ эксперт Зураб Тодуа бу воқеага: "Собиқ республика раҳбарининг бу гапи латифага айлиб, бутун СССРга тарқалади кетди. Нишоннинг бу гапи билан ўзининг раҳбар сифатидаги карьераси, обрўсини бир зумда, ўз қўли билан ўчириб ташлади", дея аччиқ, лекин ҳаққоний баҳо беради.

Ўзбекистоннинг янги раҳбари Ислоом Каримов эса биринчи иш қилини табрик ва қутловлар қабул қилишдан эмас, қонли фожиаларнинг туб илдизларини таҳлил қилиш, бу ҳақда одамларга очик айтиш, халққа бош бўлиб мавжуд оғир аҳволни тузатишдан босиб қўйди.

У республиканинг собиқ раҳбарларидан фарқли равишда шунчаки функционер эмас, ўз олдида буюк мақсадларни қўйган ислохотчи-реформатор эди.

Унинг ўша "Биз энди эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди" деган дастурий гоёси Мустақиллик йўлидаги дастлабки умид куртаклари эди.

Ўта оғир кунларда одамлар миллий ўғир-одат ва аъналаримиз, либосларимиз, хатто миллий ҳунармандчилигимизга нисбатан белисдан муносабат ва турли хуржлардан юрак олдириб қўйишган эди.

2011 йилнинг 9 октябри. Қўқонлик 87 ёшли тўқувчи Паттихоня гувоҳлик беради: "Урушдан кейинги йиллар эди. Ёз кунларидан бирида ичкари уйимизда бўз тўкиб ўтирган эдик. Бирдан ҳовлида шовқин-сурон кўтарилди. Бир пайт ичкарига тўртта комсомол бостириб кирди. "Саними, эскилик сарқитини уйида сақлаётган", деб дўқ қилишди. Тўқувчилик дастгоҳимни синдириб, ҳовлига олиб чиқиб, ёқиб юборишди. Дастгоҳимдан фақат мана бу тоши қолган", деб ўша тошни кўрсатган эди.

Мустақиллик хали олдинда, 1991 йил 31 август кунини Ўзбекистонда қандай илк қадамларга болта урадиган ёвуз қарорни "Яқдиллик билан", "Ҳар томонлама" қўллаб-қувватлаш бюрилмоқда. Албатта, ўша кунининг нафақат соатлари, балки минутлари тарихий масъулият онлари эди. Шунинг учун ҳам Ислоом Каримов

ўзининг 1989-1991 йиллардаги ҳаётини эслаб, бу фикрга қўшилсалар керак. Мен ҳам эсладим: 1989 йилнинг сентябри. Москва. Метронинг "Каховская" бекати яқинида СССР Фанлар академиясининг аспирантлари ётоқхонаси. Минскилик курсдошим Сергей Пуйман билан иккимиз суҳбатлашиб ўтирдик. Мен ундан: "Сен СССРнинг парчалашиб кетишини қандай тасаввур қиласан?", деб сўрадим. У кўрсаткич бармоғи билан оғзини ёпиб, "Тш-ш-ш! Нималар деб алжираясан?", деб хонадан балодан ҳазар дегандай; зўдлик билан чиқиб кетган эди...

## ТАРИХИЙ МАСЪУЛИЯТ ОНЛАРИ

"Бизнинг тарихимиз, бугунги ҳаётимиз шунинг кўрсаткичи, озодлик йўли, мустақиллик йўли машаққатли ва гоёта оғир бўлади. Ҳали кўп синовлардан ўтишга тўғри келади.

Истиқлол йўлида биринчи қадам қўйганимиздан бошлаб, Ўзбекистон диёрига, унинг раҳбарияти ва сиёсатиға маломат тошларини отиш ва тутаётган йўлимизни тўсиш ҳаракатлари кундан-кунга кучайиб бораёпти", деб таъкидлаганда Президент Ислоом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остиносида" китобида.

Фильм ушбу фикрни ҳужжатли тасвирлар билан тасдиқлайди. 1991 йил 19 август. ГКЧП ўз бўйнига хиёнат сиртмоғини тақди. Ўша замоннинг қонунларига кўра амалда бўлган Президентга қарши бош кўтарди. Фильмда "ГКЧП" деган аббревиатура ортида турган одамларнинг қиёфасини кўрасиз. Уларнинг юзлари, кўзларидеги беқарорликка, тираётган қўлларига эътибор беринг. Улар собиқ СССР республикаларига ўз буйруқларини юборади. Ўзбекистонга ҳам. Ўшанда Ўзбекистон ССР Президенти Ҳиндистонда расмий ташрифи сафарига эди.

Бир хиёнат иккинчи хиёнатни ўйготди. Юртимизнинг барча вилоятлари, вазирлик ва идораларига Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш.Мирсаидов ва Ўзбекистон КП Марказий комитетининг иккинчи котиби А.Ефимов имзо чеккан "Ўзбекистон ССРнинг барча худудларида СССРда факултода ҳолат давлат кўмитаси фаолиятини яқдиллик билан ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш топширилсин..." деган кўрсатма юборилди.

Эътибор беринг — Марказдан келган, Ўзбекистон Мустақиллиги йўлидаги илк қадамларга болта урадиган ёвуз қарорни "Яқдиллик билан", "Ҳар томонлама" қўллаб-қувватлаш бюрилмоқда. Албатта, ўша кунининг нафақат соатлари, балки минутлари тарихий масъулият онлари эди. Шунинг учун ҳам Ислоом Каримов

ўз ташрифини муддатидан олдин қўллаб, шошилинч равишда Ўзбекистонга қайтганини ва ГКЧПнинг ноқонуний қарорларини Ўзбекистон худудида бекор қилиш ҳақидаги ҳужжатларни қабул қилганини, халққа бевосита оташин мурожаат билан чиққанини фильмда акс эттирилган воқеалар орқали билиб оламиз ва беихтиёр енгил нафас оламиз. Ва шу аснода Президентимизнинг: "Агар орамиздан сотқин чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч қим енга олмайди", деган фикрларининг сабабларини ҳам англаб олгандек бўламиз. Аччиқ ҳаёт ҳақиқати билан йўғрилган бу сўзлар барчамизни доимо — бугун ҳам, эртага ҳам оғоҳ бўлиб яшашга даъват этади.

## ЭЪТИРОФ МАНЗАРАЛАРИ

Афсуски, бизни олдинда чиндан ҳам қаттиқ синовлар кутаётган эди. Фильмда ана шу мураккаб жараёнларнинг ҳужжатли тасвирларини кўрасиз. Жумладан, Наманган воқеалари ҳақида халқроқ "Демократия" фонди раҳбари, академик Александр Яковлев шундай дейди: "Ўшанда Ўзбекистонда диний экстремизм ўзининг биринчи сигналин берган эди. Лекин буни халқроқ жамоатчилик ҳам, Россия ҳам эътиборсиз қолдирди. Тасаввур қиласизми, тарихий гилдираги ўша оломон кўрсатган йўл билан кетса, Ўзбекистон бошига не қўргуликлар тушарди?..."

Жаҳонга машҳур ёзувчи Чингиз Айтматовнинг ўша йилларни эслаб айтган чўқур маъноли фикрлари алоҳида эътиборга лойиқ: "Тарихнинг энг қийин палласида ўзига ҳос сиёсий селекция рўй берди, - дейди у, — бу селекция тарих саҳнасиға энг қаракли шахсни олиб чиқди. Ислоом Каримов нафақат Ўзбекистон, балки Туркистон заминиде ўзининг энг иродали, қатъиятли раҳбар эканини яққол намойиш қилди. Бу — тарихда ҳаётининг қандай ҳал қилувчи роль ўйнаши мумкинлигини исботлайди. Тарих Ислоом Каримовнинг ҳақиқатан ҳам замонавий цивилизациямизнинг энг улкан сиймоларидан бири эканлигини кўрсатади".

Фильмда Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг теран мушоҳадаларини ифода этган, эндиликда тарих мулкига айлиб қолган ноқир кадрларни кўрасиз. Бу лавҳаларда домла бир фикрга алоҳида ургу бериб таъкидлайди: "Президент Ислоом Каримов нима учун шунчалик жонини жабборга бериб ҳаракат қилаёпти? Турли-туман экстремист, ивгогар кучларга йўл қўймасликка интиляпти? Терроризмга қарши курашаёпти? Нима учун? Бунинг фақат битта сабаби бор. Бу сабаб шуки, у Ўзбекистонни жуда яхши кўради. Ўзбекистон унинг учун энг муқаддас маскан. Она диёр. Она билан баробар қадрланган диёр. Унинг кўнглида ўзбек халқи учун улуг бир ғурур бор".

Фильм сўнигда мустақилликимизнинг тарихий босқичлари акс эттирилган кадрлар — Президентимизнинг жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари раҳбарлари билан мулоқотлари, учрашувлари, БМТ минбридан туриб нутқ сўзлаётган ҳолати билан боғлиқ ва бошқа тасвирлар барчамизнинг қалбимизда ана шундай ғурур ва ифтихор туйғусини ўйготди.

## ХУЛОСА ЎРНИДА

Ҳурматли ўқувчи, Сиз албатта бу фильмин кўринг. Ана шунда: бугунги тинч, осуда ҳаёт, фаровон кунлар қандай оғир ва машаққатли курашлар эвазига қўлга киритилганини яна бир бор англайсиз.

Бутун жаҳон эътироф этаётган, тан олаётган мустақил Ўзбекистон давлати қандай бунёд бўлганини қайтадан ид-рок этасиз.

Фильмнинг аввалида хомуш бўлган бўлсангиз, охирида... бошингизни баянд кўтариб чиқасиз.

**Муҳаммаджон ҚУРОНОВ,**  
педагогика фанлари доктори, профессор



# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

● **ДАВРА СУХБАТИ**



## Халқимизнинг маънавий бойлиги, миллий қадрияти

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Ўзбек тили бетакрор ва кенг имкониятларга эга эканлигини шеърят султони Алишер Навоий асарларидан билиш мумкин, — деди ЎзМТДПнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари У.Муҳаммадиев. — Ўзбек тилининг мустақамлалиши, ривожланиши ва янада тараққий этишини таъминлаш, ёш авлод қалбида унинг умуммиллий қадрият, бебаҳо маънавий меросимиз эканлигини тушунириш, тарғиб этиш, Ватанга муҳаббат, юртимизда кечаётган буюк ўзгаришларга дахлдорлик туйғуларини янада кучайтиришни партия ўзининг устувор вазифаларидан, деб биллади.

Шуни таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида ўзбек тилининг мустақам ҳуқуқий мақоми белгилангани, тилимизнинг

имкониятларидан кенг фойдаланиш, халқимизнинг урф-одат ва анъаналарини тиклаш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Юртимизда давлат тилини ўргатиш ва ўқитиш бепул амалга оширилмоқда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимликларнинг ҳужжатлари, корхона, муассаса, ташкилот ва жамоат бирлашмаларида иш юритиш, ҳисоб китоб, статистика ва молия ҳужжатлари давлат тилида олиб борилмоқда.

Тадбирда сўз олганлар давлат тилида имло қоида ва нормаларига риоя этилиши масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, кўчалардаги эълон, бекалардаги ёзувлар, жой номлари ва реклама воситасига кирмайдиган бошқа турдаги ташқи ёзувлар афсуски, айрим имловий-орфографик хатолар билан қайд этилганлигидан кўз юмиб бўлмади. Шундай экан, адабий тилнинг грам-

матик ва илмий қоидаларини чуқур ўрганиш, амалиётга татиқ этишни кенг тарғиб қилиш, барча таълим муассасаларида ўзбек тили қоидаларини ўзлаштириш бўйича масъулиятни ошириш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланди.

Партиянинг фаоллари, барча даражадаги ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашларидаги депутатлари жойларда ўтказилаётган тадбирларда “Давлат тили тўғрисида”ги ва “Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг ижросини таъминлаш юзасидан жойларда, муассасалар, ташкилотларда, умуман кенг жамоатчилик орасида тушунириш, тарғиб қилиш ишларини мунтазам олиб бориш ҳамда миллий қадриятимиз ҳисобланган она-тилимиз нормаларига амал қилишга кўмаклашиш хусусида чора-тадбирларни белгилаб олдилар.

**Арслон ЭШМУРОДОВ,**  
ЎзМТДПнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси:

— Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши тилимизнинг эркин қўлланиши, ривожланишига олиб келди. Яна шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, улуг мутафаккир бобомиз шеърят султони Алишер Навоий туркий тилнинг беқиёс имкониятларини исботлади. Шунинг ўзиёқ она тилимизнинг нақадар гўзал ва мафтункор эканлигини намоён қилди. Она тилимиз асрлар оша сайқаланиб борди. Айниқса, мустақиллик йилларида катта ютуқларни қўлга киритдик. Ўзбек тилининг беш томлик изоҳли лугати яратилди. Ўзбек тилида бир, икки, уч тиллик лугатлар юзга келди. Она тилимизни миллий руҳ ва миллий имкониятлар асосида илмий тадқиқ этиш шаклланди. Ютуқлар билан бирга ҳали соҳада айрим муаммолар ҳам мавжуд. Буни адабий тил меъёрларига асосланган телерадио кўрсатув ва эшиттиришлар, газета ва журналлар саҳифаларида шевачилликка йўл қўйилаётгани, қолаверса, расмий идоравий услубда тиниш белгиларини нотўғри қўллаш, имловий-орфографик камчиликлар мисолида кўрсатиш мумкин. Шу боис партия дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда тил ва нутқий маданиятни кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш, она тилимиз гўзаллиги ва тарихий меросини асраб-авайлаш ҳамда ёш авлодга етказишга кўмаклашишимиз лозим. Қолаверса, мазкур тадбир ана шундай мақсадлар рўёбига қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

**Абдували АБДУСАИДОВ,**  
Самарқанд Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси mudiri, филология фанлари доктори, профессор:

— 22 йилда она тилимизда эришган ютуқларимиз талайгина. Ўзбек тилининг имло ва изоҳли лугати кирилл ҳамда лотин алифбосида чоп этилди. Шу билан бирга оғзаки ва ёзма нутқ маданияти шаклланди, ривожланмоқда. Тилимиз миллий қадрият ва анъаналаримиз замирида тараққий этмоқда. Ўз софлиги ва гўзаллигини маънавийимиз, маданиятимизда намоён этмоқда. Шу билан бирга ёш авлод тарбиясида сўз гавхарларининг аҳамиятини бугунги тадбир янада кенгрок тушуниш, таассурот олиш имкониятини яратди. Бундай тадбирлар фақатгина октябрь ойида эмас, йил давомида республикамизнинг барча ҳудудларида ўтказилса мақсадга мувофиқ бўларди.



**Эрғаш ХўЖАЕВ,**  
“Milliy tiklanish” muxbiri

● **ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД**

**Депутатлик гуруҳлари:**

## фаолликни кучайтириш зарур

чуқурроқ ўрганиш, уларни ҳал этиш бўйича зарур чораларни кўришга қаратилган аниқ ва жиддий вазифалар юклатди. Бу эса бевосита улардан янада фаоллик, ташаббус ва саъй-ҳаракат талаб этади. Шу нуқтаи назардан ЎзМТДП асосий эътиборини мана шу бўғинлар фаолиятини ривожлантириш орқали аниқ натижаларга эришишга қаратмоқда.

Дарҳақиқат, юртимиз иқтисодий-иқтисодий янада барқарор ривожланишини таъминлаш, аҳолининг ҳаёт даражасини янада юксалтириш ва ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳалардаги кўплаб масалаларни муваффақиятли ҳал этишда партиянинг маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳларининг ўрни катта. Хўш, улар бугун давр талабларидан келиб чиққан ҳолда фаолият кўрсатаётими? Ўзларига билдирилган ишонччи оқлаётими? Мамлакатимиз шитоб билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ўз электоратини ўйлантираётган масалалар юзасидан қандай ташаббусларни илгари сурмоқда?

Бугунги кунда Ховос туманида ЎзМТДПнинг 300 нафардан зиёд аъзоси бор. Партия аъзоларининг аксарияти халқ таълими, соғлиқни сақлаш соҳаларида фаолият кўрсатади. Халқ депутатлари Ховос тумани Кенгашига 3 нафар депутат

борасида ташаббус кўрсатишмаган. Шунингдек, бу каби манзара Сайхунобод туманида ҳам учрайди. Маълумотларга қараганда, туманда 10 та бошланғич партия ташкилотлари мавжуд бўлиб, партия аъзолари сони 214 нафарни ташкил этади. Худудий жиҳат-

ри ва депутатлар томонидан эътиборини қўйишга эришилган ижобий натижалар билан бир қаторда ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам борлигига гувоҳ бўлдик. Хусусан, партияимиз ижтимоий қатлами манфаатларига бевосита тегишли жўяли таклиф ёки масала халқ депутатлари тумани кенгаши сессиялари кун тартибига киритилмаган.

**Туманининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи билан танишганимизда эришилган ижобий натижалар билан бир қаторда ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам борлигига гувоҳ бўлдик. Хусусан, партияимиз ижтимоий қатлами манфаатларига бевосита тегишли жўяли таклиф ёки масала халқ депутатлари тумани кенгаши сессиялари кун тартибига киритилмаган.**

ЎзМТДПдан сайланган. Туманининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи билан танишганимизда эришилган ижобий натижалар билан бир қаторда ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам борлигига гувоҳ бўлдик. Хусусан, партияимиз ижтимоий қатлами манфаатларига бевосита тегишли жўяли таклиф ёки масала халқ депутатлари тумани кенгаши сессиялари кун тартибига киритилмаган. Қолаверса, депутатлар худудий партия ташкилотлари ва аъзолари билан ишлаш

дан йирик, аҳоли сони кўп бўлган мазкур туманда партиянинг бор-йўғи 10 та бошланғич ташкилоти фаолият кўрсатаётганлигини қандай баҳолаш керак? Халқ депутатлари Сайхунобод тумани Кенгашига ЎзМТДПдан 3 нафар депутат сайланган. Аммо улар ўтган даврда партия электоратини ўйлантираётган бирор бир масалани тумани Кенгаши сессияси кун тартибига олиб чиқмаган. Бундан ташқари, партия тумани Кенгаши аъзола-

ти жуда катта. Буни депутатларимиз яхши англаб етишлари лозим. Зеро, ислохотларнинг ҳозирги босқичида маҳаллий кенгашлар ва депутатлик гуруҳлари фаолликни ошириб, ташаббускорлик кўрсатиши партиянинг ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб этиб, электорат манфаатларини изчил ҳимоя этсаларгина кўзлаган мақсадга эришамиз.

**Анорбой НОРКУЛОВ,**  
“Milliy tiklanish” muxbiri

● **168 СОАТ: ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА**  
**Дастурий мақсад ва вазифаларимиз**

**ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ, ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИГА ҚАРАТИЛГАН**

**АНДИЖОН**

Ёшларнинг спортга бўлган қизиқишларини янада ошириш, ўз иқтидорларини намоён этишга шарт-шароитлар яратиш, турли мусобақаларда иштирок этишига кўмаклашиш ва партия “Ёшлар қаноти” сафига жалб қилиш мақсадида ЎзМТДП Андижон шаҳар Кенгаши томонидан “Ўзбек спорти 20 йилда” мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия шаҳар Кенгаши девони ходимлари, ЎзМТДПдан сайланган халқ депутатлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия фаоллари, “Ёшлар қаноти” етакчилари, спорт мураббийлари, ёшлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мустақиллик йилларида барча соҳаларда бўлгани каби спортга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур соҳага иқтисослашган мактаб ва коллежлар барпо этилди. Эндиликда спортчиларимиз жаҳон ареналарида ўзларини кўрсатиб, қатор ютуқларни қўлга киритмоқда. Бу борада ЎзМТДП сайловолди Ҳаракат дастурида белгиланган, халқимизнинг азалий қадрият, аъана ва урф-одатларини ўзида мўжассамлаштирган миллий спорт ўйинларини ўрганиш, ривожлантириш ҳамда кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар орасида тарғиб-таъшиқ қилиш, уларни спортга жалб қилишга кўмаклашиш каби вазифалар ижроси юзасидан тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Тадбир доирасида ёш спортчилар томонидан кўргазмани чиқишлар намоён этилди.

**ЖИЗЗАХ**

ЎзМТДП Пахтакор тумани Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбати “Миллий маънавий қадриятлар — ўзликни англаш омили” деб номланди. Унда партия тумани Кенгаши девони ходимлари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, ЎзМТДПдан сайланган тумани Кенгаши депутатлари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда истиқлол йилларида миллий маънавийимизни юксалтириш, қадриятларимизни асраб-авайлаш борасида улкан ишлар амалга оширилгани, хусусан, юртимизнинг ҳар бир гўшасидаги муқаддас қадамжолар давлат ҳимоясига олиниб, қайта таъмирланётгани алоҳида таъкидланди.

**ХОРАЗМ**

Ўзликни англаш, миллий гурур, Ватанга муҳаббат ва садоқат, дахлдорлик туйғуларини янада кучайтириш, шакллантириш ҳамда мустақамлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ўз сафида юрт ватанпарварларини бирлаштириш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини мамлакат манфаатлари йўлида сафарбар этиш ЎзМТДПнинг асосий мақсадларидан саналади.

ЎзМТДП Урганч шаҳар Кенгаши томонидан “Юрт тинчлиги-олий мақсад” мавзусида ўтказилган тадбир ҳам ана шу дастурий мақсадлар рўёбига қаратилди. Унда партия Урганч шаҳар Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлари, партия “Аёллар қаноти” ва “Ёшлар қаноти” етакчилари, бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари, “Маърифат” маҳалласи фаоллари, ёшлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар муҳтарам Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида олиб борилётган изчил ислохотлар, юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинлигини ҳуқуқий кафолатлаш, қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлашди.

Тадбир якунида ёшлар томонидан тайёрланган Ватанин мадҳ этувчи куй-қўшиқ ва шеърлар ижро этилди.

**СУРХОНДАРЁ**

ЎзМТДП Шўрчи тумани Кенгаши ташаббуси билан “Миллий тикланиш ғояси — миллий манфаатларимизга хизмат қилсин!” мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия тумани Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари тумани Кенгаши депутатлари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари иштирок этди.

Тадбирда халқ депутатлари тумани Кенгаши депутати Ф.Ҳамидов сўзга чиқиб, истиқлол йилларида Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий қудратини ошириш, Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги умуммиллий ғояси атрофида жамиятнинг барча қатламларини бирлаштириш ва уни амалга ошириш бўйича йирик ислохотлар амалга оширилганлигини таъкидлади. Шунингдек, ЎзМТДП дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда юртимизда ҳуқуқий демократик давлат қўриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳолининг турмуш даражасини оширишга кўмаклашиш борасида қатор тадбир, давра суҳбати ва ўқув семинарлари ўтказиб келинаётганлигини алоҳида эътироф этди.

Тадбир қизиқарли баҳс-мунозараларга бой рўхта ўтди.

**Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлиси палатасидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” мавзусидаги маърузаси юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар жараёнини янги босқичга кўтарди. Мазкур муҳим ҳужжат жамият ҳаёти ва давлат қурилишини такомиллаштириб, фуқароларда янгича тафаккур ва замонавий дунёқараши шакллантирди.**

Таъкидлаш жоизки, бугун мамлакатимизда кечаётган туб ўзгаришлар, ислохотлар изчиллигини таъминлаш ва фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллигини оширишда сиёсий партияларнинг жойлардаги ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари зиммасига ҳам ўз электоратини ўйлантираётган муаммоларни янада

# ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

## ● ЖАРАЁН

**Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади.**

Ислом Каримов

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, қонунда тилимизнинг бутун мамлакатимиз ҳудудида давлат тили сифатида қўлланилиши ва ҳар бир фуқаро давлат тилининг илмий қоидаларига риоя қилиш шартлиги белгилаб қўйилди. Фуқароларга давлат тилини ўқитиш бепул амалга оширилмоқда. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳужжатлари давлат тилида қабул қилиниши, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш давлат тилида юритилади ва зарури-

амалдаги илмий қоидалари ва нормаларига риоя этилади" каби норма белгиланган. Давлат тилида имло қоидаларига кўра, тўғри ёзишни, ўзбек адабий тилининг илмий қоидалари ва нормаларига риоя этилиши қонун йўли билан талаб этилаётди. Хусусан, шаҳарларнинг асосий кўчаларидаги эълонлар, бекатлардаги ёзувлар, жумладан бекат лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосига ўтказилган, балки, қатор имловий-орфографик хатолар билан ёзилганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Лотин

**Республиканинг маъмурий-ҳудудий бирликлари, майдонлари, кўчалари ва географик объектларининг номлари давлат тилида акс эттирилиши, давлат тилига ёки бошқа тилларга менсимай ёки хусумат билан қараш тақиқланиши каби меъёрлар киритилди.**

## Тил — олий қадрият

ятга қараб бошқа тилларга таржима қилиниши таъминланиши белгиланди. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларида иш юритиш, ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари давлат тилида юритилмайдиган бўлди. Муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари муҳрлари, тамгалари, иш қўғазларининг матнлари давлат, лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмаларда озғак ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилиши ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкинлиги каби нормалар киритилди. Корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, давлат тилидаги ва бошқа тиллардаги ёрликлар, йўриқномалар, этикеткалар билан таъминланди.

ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ҳам, кирилл ёзувида битилган сўзларда ҳам имловий хатolikлар учрайди. Шунингдек, услубий хатolikлар, яъни сўзларнинг нотўғри ва ноўрин жойлаштирилиши, ўзбек тилининг сўз тартиби қоидаларига риоя қилмаслик, русча сўзларни лотин ёзувида хатolikлар билан ёзиш, пешлавларда мантиқсиз ва ҳеч қим тушунмайдиган номлар ва сўзларнинг ёзилиши ҳамда уларнинг дарахталар ва устунларга ноўрин жойлаштирилиши, шаҳар транспорт воситаларида йўналишлар ва манзилларни ёзишдаги хатolikлар, таржимасиз фақат чет тилларда ёзилган тушунарсиз ёзувлар, шу билан бирга ҳунук, ўзбек тилининг ҳусниҳатига мос бўлмаган ҳолда ёзиш каби номқабул хатolikларни кўриш мумкин. Булар она тилимизнинг ҳуқуқий мақомига берган давлат тили ҳақидаги қонунга ҳурматсизлик эмасми? Демак, саводий ёзувни, адабий тилининг грамматик ва илмий қоидаларини эгаллаш ва чуқур ўрганиш, амалиётга татбиқ этишни кенг тарғиб қилиш керак. Умумтаълим мактаблари ва барча таълим муассасаларида она тилининг грамматик ва илмий қоидаларини чуқур ўрганилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Назаримизда, ўқувчиларга баён ёзиш, мустақил ифода этишни ва бу ўринда тилнинг грамматик ва имло қоидаларига алоҳида эътибор қаратиш, расмий иш юритиш ва расмийлаштириш тартибини амалий мисоллар асосида кенг ўрганишни жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Иш юритишни ўрганишни мустақил предмет сифатида барча таълим муассасаларида жорий этиш лозим.

Республиканинг маъмурий-ҳудудий бирликлари, майдонлари, кўчалари ва географик объектларининг номлари давлат тилида акс эттирилиши, давлат тилига ёки бошқа тилларга менсимай ёки хусумат билан қараш тақиқланиши каби меъёрлар киритилди.

Шу ўринда "лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмалар ҳамда озғак ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин" каби нормага эътиборини қилиш керак. Аввало, гизни қаратмоқчимиз. Афсуски, лавҳалар, эълонлар, нархномалар ҳамма жойларда ҳам давлат тилида расмийлаштирилмоқда, деб бўлмади. Бугунги кунда Тошкент шаҳрида фақат давлат тилидаги реклама 40 фоиздан, давлат тили ва бошқа тиллардаги реклама 20 фоиздан ортиқ, фақат савдо белгиси билан берилган реклама 12 фоиздан ортиқ, бошқа тиллардаги реклама 31 фоизни ташкил этади. Тўғри қонун рекламанинг у ёки бу тилда бўлишини ман этмайди. Аммо

реклама берувчи, тadbиркор, бизнесмен, ишбилармон миллат вакиллари тил фидойиси бўлиб, ўз махсулотларини она тилимизда ҳам реклама қилишни, тилимизнинг янада раванқ топишига бурч сифатида қарашлари ҳам лозим-ку!



да қўллашни жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Қонуннинг 7-моддасида давлат ўзбек тилининг бойитилиши ва такомиллаштирилиши, унга ҳамма эътироф қилган илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий атамаларни жорий этиш ҳисобига таъминлайди, деб кўрсатилади. Бу ўринда ҳам айрим атамалар бошбошдоқлик билан истеъмолга киритилмоқда. Ҳозирги замондаги нарсасо-ҳодисанинг номини ифода қилиш учун, бу атамалар ҳозирги замон нарсасо-ҳодисасининг маъно-мазмунини тўла ифода қилади ёки йўқми, бундан қатъий назар ўтган замондан атамаларни қайта баҳолаш зарур. (Дорилфунун, олийгоҳ, куллийт, ноҳия, жарида, ўйингоҳ, тайёрагоҳ, учаргоҳ, ўйингоҳ ва бошқалар). Ваҳоланки, ушбу модданинг учинчи қисмида «янги, илмий асосланган атамалар жамоатчилик муҳокамасидан кейин ва Олий Мажлис палаталари тегишли кўмиталарнинг розилиги билан жорий этилиши белгилаб қўйилган».

Бу борада илмий қоидаларни изчиладиган муҳтажларнинг репродуктив саноатининг мустақамлаш соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисидаги 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саноатининг муҳофаза қилиниши, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари асос бўлиб хизмат қилмоқда.

**Она тилимизни миллий руҳ ва миллий имкониятлар асосида илмий тадқиқ этиш шаклланди. Тилнинг грамматик қонун-қоидалари, тилнинг ифодалаш услублари, тилнинг илмий, академик, расмий-идоравий услублари шакллантирилди ва такомиллаштирилди.**

Ҳар қандай тил ички ва ташқи манба асосида бойиб боради. Ички манбада тилнинг ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда сўз ва терминларни яшаш, ҳосил қилиш нарсаларда йўналишлар ва манзилларни ёзишдаги хатolikлар, таржимасиз фақат чет тилларда ёзилган тушунарсиз ёзувлар, шу билан бирга ҳунук, ўзбек тилининг ҳусниҳатига мос бўлмаган ҳолда ёзиш каби номқабул хатolikларни кўриш мумкин. Булар она тилимизнинг ҳуқуқий мақомига берган давлат тили ҳақидаги қонунга ҳурматсизлик эмасми? Демак, саводий ёзувни, адабий тилининг грамматик ва илмий қоидаларини эгаллаш ва чуқур ўрганиш, амалиётга татбиқ этишни кенг тарғиб қилиш керак. Умумтаълим мактаблари ва барча таълим муассасаларида она тилининг грамматик ва илмий қоидаларини чуқур ўрганилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Назаримизда, ўқувчиларга баён ёзиш, мустақил ифода этишни ва бу ўринда тилнинг грамматик ва имло қоидаларига алоҳида эътибор қаратиш, расмий иш юритиш ва расмийлаштириш тартибини амалий мисоллар асосида кенг ўрганишни жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Иш юритишни ўрганишни мустақил предмет сифатида барча таълим муассасаларида жорий этиш лозим.

Юртимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга тиббиётдаги ислохотларнинг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда. Зеро, Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шaroитлар яратиши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллаб тургани ҳам бежиз эмас.

Партияимизнинг электорати асосан ижодкор зиёлилар, таълим ва маданият соҳалари ҳодимларини ташкил этганлиги, ўзбек адабий тили ёзуви ва нутқ маданиятини ошириш, адабий тилдан фойдаланишга алоҳида эътибор берилиши заруратидан келиб чиқиб, барча партия фаолларимизни, ижодкор зиёлиларни, таълим ва маданият соҳаси ҳодимларини, она тили ва адабий тил ўқитувчиларини, умуман она тилимизга бефарқ қарамайдиган барча тил фидойиларини давлат тилининг эркин қўлланилиши, унинг орфографик-имловий тўғри, адабий тил қоидаларига мос тарзда ёзилишининг жамоат назоратини олиб бориш зарур.

Шевалар ўзбек миллий тилининг ажралмас бўлаги ҳисобланиб, ўзбек адабий тилининг асоси саналади ва адабий тилнинг ривожланиши ва тараққиёти учун асос бўлади. Аммо алоҳида шеванинг ўзбек адабий тилига салбий таъсир қўради. Бунинг устига, телерадио, оммавий ахборот воситаларининг айрим бошловчилари шевада кўрсатувлар тайёрлаш ва эфирга узатиши, назаримизда, тилимизнинг адабий тилига сезиларли салбий таъсир қўради ташкил этади.

Партияимиз фаоллари туман, шаҳар, вилоят мувофиқлаштирувчи тил комиссиялари билан биргаликда, барча ҳудуддаги кўчалар, майдонлар, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларида, кинотеатрлар, оромгоҳлар, савдо масканлари, кафе, бар ва ресторонларда, шаҳар ва туман йўл транспортларидаги ўрнатилган ёзувлар, лавҳалар, эълонлар, реклама махсулотлари ва ташқи ёзувлар ҳамда бошқа ахборот ва тарғибот материалларини «Давлат тили ҳақида»ги, «Лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги ва «Реклама тўғрисида»ги қонунлар таллабларига мос бўлишини таъминлаш ва уларнинг ўзбек орфографиясининг асосий қоидаларига мос тарзда ёзилишини таъминланишига кўмаклашади.

Шу маънода нутқий маданиятимизни ошириш борасида назарий ва амалий ишларни амалга оширишимиз зарур. Дарсликлар, илмий адабиётлар, ўқув қўлланмаларининг сифатини ошириш, миллий тушунчалар билан бойитиш билан бирга, омма орасида тил маданиятини кенг тарғиб қилиш, уни амал-

да қўллашни жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Давлат идораларида тўла ҳуқуқ билан ишлатилмайдиган, иш юритиш давлат тилида олиб бориладиган тилгина чинакам давлат тили бўла олади. Тилимизни чинакам давлат тилига айлантириш учун нафақат қонун чиқарилишига, балки шу қонунга таъйиб иш қўрайдиган одамлар, раҳбарларнинг амалий фаолиятига, уларнинг саъй-ҳаракатларига, давлат тили тўғрисидаги қонунга лоқайд қарамайди, уни рўйбга чиқариш учун интиладиган қорхона ва ташкилотлар раҳбарларининг миллатпарварлигига ва ҳақпарварлигига боғлиқдир. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси ўзи-

## ● ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК

# Нодавлат нотижорат ташкилотлари

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА КўМАКЛАШМОҚДА

**Юртимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга тиббиётдаги ислохотларнинг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда. Зеро, Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шaroитлар яратиши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллаб тургани ҳам бежиз эмас.**

Япония, Туркия, АҚШ каби давлатлардан 300 нафардан зиёд мутахассислар иштирок этиди. Сўзга чиққанлар юртимизда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислохотлар самараси ҳақида, хусусан, онкология соҳасида эришилган ижобий натижаларни алоҳида кўрсатиб ўтишди. Таъкидланганидек, сўнгги вақтда аҳоли орасида хавфли ўсма касалликлари билан хасталаниш ва ўлим билан боғлиқ ҳолатлар аввалги йилларга нисбатан камайиб бормоқда. Бу эса мазкур турдаги оғир касалликларни эрта тахассислаш масаласига катта эътибор қаратилаётгани, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва мутахассислар малакасини ошириш борасида ибратли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани самараси ҳисобланади. Бу каби вазифаларни бажаришда эса юртимизда фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Тадбир давомида соҳа бўйича АҚШлик Жо Анна Зужевски, Памела Кляйн, корейлик Хенг Гон Мун каби танқил олимлар қатори ўзбекистонлик мутахассислардан Соримбек Наврозов, Раёно Қаюмова, Гуля Мирюсупова, Лола Олими-җўжаевлар матбуза қилишди, дейди биз билан суҳбатда "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси матбуот қотиби Гулбахор Мўминова. — Маҳаллий ва хорижий шифокорларнинг ютуқлари билан танишиш баробарида саратон касаллигига чалинган беморларга ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш масалалари, амалий тиббиёт ва онкология соҳасини ривожлантириш истиқболларини муҳофаза қилди. 10 октябрдан 15 декабргача республикамизнинг барча ҳудудларида истиқомат қилувчи аёллар гинеколог ҳамда ультра ташхис товўзида бепул тиббий кўриқдан ўтказилади. Шунингдек, руҳшунослар билан тренинглар ташкил этишни ҳам кўзда тутганмиз.

Кенг қамровли "Оила саломатлиги" лойиҳаси асосида Корея давлатидан ташриф буорган педиатрия соҳасидаги юқори малакали мутахассислар Тошкент шаҳар Болалар уйида болаларни тиббий кўриқдан ўтказишди. Лойиҳа ташкилотчилари тиббий кўриқни ушбу муассасада ўтказишни бежиз танлашмаган, чунки бу ерда тарбияланаётган 100 нафар боланинг 40 нафари ривожланиш аномиялари билан хасталанган.

— Ўзбекистон ва Корея давлатининг Сеул миллий университети қошидаги Пундан госпитали

ли мутахассислари ўртасидаги ҳамкорлик 2009 йилда йўлга қўйилган, - дейди Г.Мўминова. — Ўтган вақт мобайнида тўғма юрак хасталигини бартараф этиш бўйича 46 та операция муваффақиятли амалга оширилиб, шундай ташхис қўйилган, 6 нафар бола Корея давлатига муолажа учун юборилди. "Оила саломатлиги" лойиҳаси доирасида шу йил давомида 52 та турли хайрия операциялари қилиниб, 400 дан ортиқ бемор болалар стоматолог текширувидан бепул ўтказилди ва даволанди.

1-8 октябрь кунлари эса Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида тезкор операцияга муҳтож 29 нафар беморга мия ўсмаларини бартараф этиш бўйича нейрохирургик хайрия операциялари ўтказилди. Шунингдек, таъкидлаш керакки, жарроҳлик операциялари ва кейинги даволаш патронажи учун зарур бўлган барча тиббий анжомлар, асбоб-ускуналар ва дори-дармонлар корейча мутахассислар томонидан олиб келинмоқда.

Ушбу лойиҳа асосида келгусида иштирокчи мамлакатлар сонини кўпайтириш, маҳаллий мутахассислар касбий малакасини янада ошириш, тиббиёт, саломатлик соҳаларини янада ривожлантириш, аҳоли саломатлигини яхшилашга қаратилган лойиҳалар доирасини кенгайтириш масалаларини режалаштирганмиз.

Маънан ва жисмонан етук, соғлом, тафаккурли тинч, дунёқараши кенг инсонгина доимо эзгуликка интилиб яшайди. Унинг турмуш тарзи, фикри ва қарашлари, энг муҳими, ҳаётдаги мақсади ҳам аниқ бўлади. Бу давлатимиз, жамиятимизнинг ривожланиш йўлида олиб бораётган ислохотларнинг асосини ташкил этади. Бу йўлда мамлакатимизда турли соҳаларда фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам кенг қўллаш ишларни амалга оширмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек: "Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўйбга чиқариш, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шaroит яратмоқда..."

Эркин ДОРПОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

## ● 21 ОКТАБРЬ — ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ БЕРИЛГАН КУН

# Сўз санъатининг қудрати

**Биз Ғаллаорол туманидаги 91-умумтаълим мактаби ўқувчилари ҳузурда бўлагимизда "Тил — дил қалити" мавзусидаги байрам тадбири ўтказилаётган экан. Кичик саҳнада тилга оид мақол, ҳикматли сўз ва афоризмлардан намуналар, машхур иборалар, деворий газета ва расмий кўргазма қуроллари осиглақ эди. Ҳамма миллий либосда, чехралардан қувонч ва шодлик балқиб турарди.**

Тадбирнинг кириш қисмидан сўнг, болалар шоири Турсунбой Адашбоевнинг "Она тилим" шеъри жаранглади. Сўнгра ўқувчилар бирин-кетин она тилимиз шаъни ва қадр-қиммати ҳақидаги шеърларни ёд айтишди. Ватанпарварлик руҳидаги қўшиқлар қуйланди. "Тил қудрати" ҳақидаги матн магнитофон мосламаси орқали эшитилди. Шундан сўнг, ўқувчи ёшлар тил билан боғлиқ бир неча тест саволларига жавоб беришди. Ўқувчи қизлар эса мамлакатимизнинг барча кишилари севиб тинглайдиган "Алла" қўшиғини навбат билан ижро этишди. Энг яхши ижрочи деб топилган Насиба Мардиқулова, Ораста Холбоева ва Махлиё Ўктамовалар алоҳида рағбатлантирилди. Сах-

на кўринишлари орқали сўз санъатининг қудрати турли сурат ва кўргазмаларда очиб берилган бўлса, табарруқ ёшдаги бобою молюларимиз она тилимизни севиш ва ардоқлаш ҳақидаги шахсий фикрларини баён қилишди. Саҳнага чиққан энг фаол ўқувчилар Сирожиiddин Мустафоев, Сардор Нуржовов, Орта Холбоева инсонда нутқ товўзи ҳосил қилиш, сўзлаш қобилияти тил орқали амалга ошиши, ер юзиде қанча миллат, элат ва қабила бўлса шунча тил борлиги, тилсиз халқ бўлмаслигини, халқсиз тил ҳам йўқлигини, тил инсонлар ўртасидаги алоқа, ўзаро фикр алмашишга хизмат қилишини мисоллар асосида тасвирлаб беришди. Олий тоифали

педагог Рисолат Равшанова тадбирни яқунларкан, ҳар бир сўзини ақл билан ўйлаб, ўрнига қўйиб, ўринсиз сўзини айтмасдан очик чехра ва ҳушмуомалилик билан мулойим сўзлаш лозимлигини таъкидлади. Шундан сўнг мактаб қошида ташкил этилган "Ғунча" бадий ансамбль тўғраги аъзолари ўз репертуаридан жой олган энг сара қўшиқларни ижро этиб, иштирокчиларни янада ҳушуд эттишди.

Шунингдек, Давлат тили тўғрисидаги қонунга бағишланган тил байрамлари, кеча ва эрталиклар Зарбдор туманидаги 8-умумтаълим мактабиде, Жиззах туманидаги 1-умумтаълим мактаби ҳамда "Дилноза" номли 13-мактабга таълим муассасасида ҳам қизиқарли ва таассуротларга бой тарзда ўтди. Бундан мақсад ўқувчиларнинг она-Ватанини, ўз она тилини севиш, чуқур ўрганишга ва ҳурмат қилишга ўргатиш, ифодали ўқиш малакаларини ривожлантириш ҳамда мустақил фикрлаш қобилиятини ўстиришдан иборатдир.

Абдулла САИДОВ, Жиззах вилояти

# НИГОҲ

## МУШОҲАДА

Ҳар бир миллатнинг тараққий ва таълими ёшларининг илм ва маърифатига, ҳунар ва санъатига боғлиқдир.

Абдулла АВЛОНИЙ



# Маърифатли инсонлар маънавиятимиз таянчи

Ёшларнинг маънавий оламини болаликдан бошлаб эзу ғоялар асосида шакллантириш ва камол топтиришда китобнинг ўрни беқиёсдир. Қолаверса, китоб бизни билимлар чўққисини забт этишга ундаб, маърифат дунёсига етаклайди, маънавий юксалишимизга беминнат хизмат қилади.

Ҳозир олимлар боланинг дунё ҳақидаги илк тасавури шаклланишида бўлажак оналар китоб мутолаа қилиб туриши фойдадан холи эмас, деб бонг уришмоқда. Шу ўринда айтиш лозимки, бизнинг аждодларимиз бундан аллақачон амалда, исботлай олишган. Айниқса, буюк алломаларимиз меҳр-муҳаббатга, яхшилик ва эзгу мақсадларга йўрилган китобларни ўқиш яхши самара беришини таъкидлашган. Зеро, онанинг фикр-ўйлари, унинг дунёқараши бевосита бола вужудига ҳам таъсир ўтказиши шубҳасиз.

## ИСТИҚЛОЛ МЕВАЛАРИ

Ёш авлоди миллий-маънавий ва ўлмас қадриятларимизга ҳурмат руҳида ҳамда ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдонни, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялашда албатта китоб муҳим ўрин тутаяди. Ўрта-маънавий ёшларнинг билим олишлари учун барча имкониятлар яратилган. Қолаверса, фарзандларимиз бугун китоб дўконларидан истаган китобларини харид қилишлари ҳам мумкин. Ҳозир навбатда нашриётлар болаларнинг руҳий-маънавий оламини шакллантиришга қаратилган

турли-туман китобларни чоп этишмоқда. Хусусан, бугуннинг боласини қизиқтириётган китоблар ҳаётимизда қандай ўрин тутади, деган саволларга жавоб топиш илмининг пойтахти бўлган «Шарқ эиёҳори» китоблар дўконига йўл олди.

— Техника тараққий этган бир даврда яшайётган бўлсак-да, китобнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмаслиги бугун ўз исботини топмоқда, — дейди дўкон сотувчиси Дилафруз Узоқбоева. — Айтиш кераки, бугун болаларимиз ниятда билимга чанқок. Очиғи, дўконимиз доимо харидорлар билан гавжум. Ҳар қандай талабалар, ота-оналар, қайовони буювчиларимиз ҳам янги китобларни сўраб келишади. Албатта, уларга қўлдан келган ердამимизни аямаймиз. Айрим харидорларга эса болаларнинг ёшига қараб китоб танлашларига кўмаклашамиз.

Шу пайт фарзандига китоб танлашга қўйлаётган харидор Дилафруз опадан маслаҳат сўраб қолди.

Дилафруз опа ўта хушмуомалалик билан боланинг ёшини сўради.

— Аслида 11 ёшли болакайларга эртақлар ҳам ёқади. Бироқ, сизнинг айтишингизга қараганда ўғлингиз ҳикоялар

тўпламини олиб келишингизни сўрабди. Шу боис, сизга Худойберди Тўхтабоевнинг «Сариқ девнинг ўлими», «Ширин қовунлар мамлаката ёки сеҳрарлар жанги», Эркин Маликнинг «Чам-по отли илон», Ойбекнинг «Ҳикоялари» ҳамда М.Ҳамидовнинг «Момонинг сандиги» каби тўпламларни тавсия қилган бўлардим.

Узини Нарғиза опа дея таништирган яна бир харидор «Мени қизим сиз айтган китобларни ҳаммасини ўқиб чиқди. Шу боис, унга янги ва қизиқарли асар толармиканман, деган мақсадда келувдим» дея суҳбатимизга қўшилди.

Дарҳақиқат, дўконда китоблар кўп, бу ерга келган харидор қуруқ кетмаслиги аниқ. Фарзандларимизнинг қизиқишлари эса кун сайин ортиб бораётгани ҳам унданда қувонарли. Билимга чанқок, китобга ўч, замонавий фикрлайдиган янги авлод истиқлол мевалари, мустақиллик фарзандларини эканлигидан фахрланасан киши. Албатта, бу Ўрта-маънавий таълим тарбия ва ёшларга, кўрсатётган оқсак эътиборлари самарасидир. Яна шуни айтиш кераки, унинг қадриятлар ва анъаналарининг давом этишида, фарзандларнинг маърифатли инсонлар бўлиб етишишида жон куйдираётган оилалар ҳам орамизда кўпчилигини ташкил қилади.

## БОЛАЛАРГА РАҒБАТ КЕРАК

Мен ҳам дўкондан бола-

римга бир неча китоб харид қилиб кўчма қўйдим. Бироздан сўнг қўшим Садоқат «Бухордан меҳмонлар келиши», дея уйига таклиф қилди. Эндигина ишдан хориб келганим учунми бироз ўйлаиб қолдим, лекин миллий урф-одатларимизга кўра «чақирилган жойдан қолма», деган нақлга амал қилган ҳолда қўшимниқига чиқдим. Қарангки, навбатдаги мақола мавзуси ана шу хонадонда ҳам давом этаётган эди. Тўғри, китобга меҳр қўйиб, уни болалар онгига синдираётган оилалар жуда кўп. Бироқ, бу хонадонда китобга бўлган ўзгача меҳр ва фахр туйғусини ҳис этдим. Бирин-кетин болалар ёдлаган шеърлари учун совғалар олишганидан сўнг Бухордан келган Сайёра аяни суҳбатга тортидим. Сайёра аянинг айтишича, бу хонадонда ота-онанинг туғилган кунидеги энг яхши совға фарзанднинг ўқиган ҳикоя, ёд олган шеърларини ифодали қилиб айтиб бериши экан. Эътиборли жиҳати шуки, оила аъзолари фермер, деҳқон, боғбон бўлишсада ҳам доим китоб ўқишга вақт топишади.

— Оила маънавиятининг юксалишида энг аввало китоб муҳим ўрин тутади, — дейди Сайёра Қудратова. — Ҳозир китоб мутолаа қилишни жуда яхши кўрганам боисми, фарзандларим ҳамда набираларимни холи-жонига қўймайман. Ҳатто, келинларим ҳам бўш қолди дегунча, қўлига китоб олиб ўқишга тушади. Уйимиздаги бир хонани кутубхона қилганмиз. Дам олиш кунлари барча набираларим билан ана шу хонада йиғилганимизда улар ҳафта давомида ўқиган китоблари ҳақида гапириб беришади. Мен эса уларни доимидек янги китоб ва турли совғалар билан рағбатлантириб тураман. Болага рағбат керак, шунда у янада илҳомланиб, қизиқиб, кўпроқ китоб ўқишга ҳаракат қилади. Айниқса, болалар орасида ким-ўзар, ифодали ўқиш ҳамда тез ўқиш мусобақаларини ўштиришимиз ўзгариши, мактабда ҳам уларнинг аъло баҳолашга ўқишга сабаб бўлади. Хуллас, набираларим қандай касбни танлашдан қатъий назар уларни буюк шоирларимизнинг достону ғазалларини ёдлашга, ўқиш тарихимизни ўрганишга, янги китобларни ўқишга чорлайвераман. Маърифатни излаб яшашига ўргатаман. Вақти келиб, улар ҳам ана шу одатимизни давом эттиришига умид қиламан. Чунки, китоб Ватанга бўлган муҳаббатни оширади, болани муомалага, ҳаётга тайёрлайди, зийракликка чорлайди, яхши-ёмонни фарқлашга ўргатади.

Ҳа, аянинг гапларида жон бор. Ўрта-маънавий таълим тарбия ва ёшларга, кўрсатётган оқсак эътиборлари самарасидир. Яна шуни айтиш кераки, унинг қадриятлар ва анъаналарининг давом этишида, фарзандларнинг маърифатли инсонлар бўлиб етишишида жон куйдираётган оилалар ҳам орамизда кўпчилигини ташкил қилади.

## МАҲФИЗА ХУДАЙБЕРГАНОВА, «Milliy tiklanish» МУХБИРИ

## ҲАЁТИНГИЗ СУГУРТАЛАНГАНМИ?

ассасалари, ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар манфаатларини ҳимоя қилишга ҳам хизмат қилади. Масалан, бирон бир корхонада ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда бахтсиз ҳодиса содир бўлганда, шундан сўраб қилинган бўлса, жабрланувчига ёки вафот этган ҳодим қарамоғидеги меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига бир йўла бериладиган нафақа шунингдек, вояга етмаган болаларга ва бошқа зарар ундириш ҳуқуқига эга шахсларга маълум муддат давомида ҳар ойлик тўловлар белгиланган тартибда сугурталовчи сугурта компаниялари томонидан амалга оширилади.

Акс ҳолда барча тўловлар корхона томонидан тўланади. Бундай тўловлар иш берувчининг иқтисодий аҳолига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши табиий. Натияжада ташкилот жабрланувчини белгиланган муддатда тўлиқ иқтисодий ҳимоя қилмайди. Шу боис, корхона, ташкилотларнинг

ловчилари сугурта қилинса-да, сугурта муқофоти яъни тўловлари масъулиятсизлик оқибатида кенчиктирилиб жабрланувчининг ҳақ-ҳуқуқи поймол этиб келинмоқда. Масалан, Сурхондарё худудий электр тармоқлари ОАЖ корхонасининг Музабот ТЭТ ишловчиси Ихтиёр Худойқулов 2011 йил 26 январь кун бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этган. И.Худойқуловнинг корхона томонидан «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш» қилинган бўлса, муқофоти асосан саломатлиги ва ҳаёти сугурталанган эди. Аммо корхона ҳанузгача неғадир қонун талабларига зид равишда белгиланган муддатда сугурта тўловларини ундириш ёки жамоа шартномасига асосан корхона ҳисобидан тўлаб бериш чораларини кўрмаган. Тўғри, эртами-кечми тўловлар амалга оширилар, лекин бундай лоқайдликка қандай баҳо бериш мумкин?

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳар биримиз соғлигимизга, ҳаётимизга ўзимиз масъулмиз. Шундай экан, меҳнат муноҳозаси тадбирларида амал қилайлик.

Ўқтам ЧОРИЕВ, Сурхондарё вилояти Бош давлат меҳнат-техник инспектори, Юнусали ОЧИЛДИЕВ, «Milliy tiklanish» мухбири

Энг улуг, энг азиз байрамга сапоқли кунлар қолганди. Махфират опа бу сафар айёмни сеvimли оиласи бағрида, табаррук момоси, меҳрибон ота-онаси, ўғил-қизлари, дўсту ёрлари даврасида ўтказишни ўйлаб, ўша кун тезроқ келишини иштиқ кутаётганди. Айниқса, шириндан шакар невараси Шаҳзодбекни кўндан бери тўйиб эркалагани йўқ: эрталаб ишга кетаётганида ҳам, кечқурун келганида ҳам «пиши-пиши» ухлаб ётган бўлади.

Одатда байрамолди тўсатдан бўладиган «кўнғироклар» уни чўчи-тиб қўйганди...

— Ойи, сизни Дилбар опа сўра-яптилар, — деб қолди катта қизи Назира. — Ўзингизда зарур ишлари бор экан.

Дилбар Усмонова — Китоб тумани тадбиркор аёллар уюшмаси раиси.

«Байрам олдидан яна бирор ярмарка ё кўргазма ўтказилса керак-да» — Махфират опа қўл телефони кўлигига тутаркан, ҳаёлидан шу фикр ўтди.

— Ассалому алайкум, Дилбар опа. Яхшимисиз? Келаятган айёмлар муборак! Нима гап, тинчликми?

— Ҳозир вилоятдан айтишди, августнинг иккинчи ярмида пойтахтда Ўзбекистон Ҳунармандлар уюшмасининг «Истиқлол туфайли эъзоз топган хунармандлар» кўргазмаси бўларкан. Мустақилликнинг 20 йиллиги олдидан жиддий тадбир экан, хорижлик меҳмонлар ҳам кўргани боришаркан. Пухта тайёрланиш керак. Рўйхатда борсиз, икки-уч кунда улгуриш зарур...

— Ҳа, болам, байрам олдидан яна бирон йилги чикими? — Айвонда ўтирган ёши бир асрдан ҳам улуг Салима момо невараси рангидеги ўзгариши дарвор седи. — Сиклима, ўйнаб-қулиб, яхши бориб кел. Байрамгача ўн кун бор, келишга улгурасан. Насиб қилса, мустақилликни ҳаммамиз бир дастурхон атрофида жам бўлиб нишоналайми...

Махфират опа гап нимадалигини охиригача англамай, бир зум таралди: «Шу тадбирга кичи-кичи Нодирани жўнатса нима бўлади? Яқинда университетга кирди, бир йўла ўқишининг кам-кўстани битириб келади». Лекин бу фикрдан дарвор қайтди. «Дилбар опа жуда жиддий тадбир бўларкан, кўргазмага чет эллик хурматли меҳмонлар ҳам таширф бўлишаркан», деди. Йўқ, ўзи бор-маса бўлмайди!

Августнинг йиғирмаларида пойтахтдаги Абулқосим мадрасида уюштирилган кўргазма ўзгача, гавжум ўтди. Мустақилликнинг 20 йиллиги тантаналарига, «Шарқ тароналари» мусиқий фестивалига таширф буюрлар бу ерга ҳар кун гуррос-гуррос келишди. Меҳмонлар кўргазмага қўйилган ҳар бир нарсани зўр қизиқиб бишлан томоша қилишар, нақшу безакларига ҳайратланиб боқшар, ўзларича нималаргадир ўхшатиб баҳслашарди. Махфират опа ўзи келганига ҳурсанд бўлди: деворбоп, ироқи, попури кашталарига, совғабоб каттаю кичик, гулли-гулсиз, манзара туширилган сумкаларига, дўппи, елпигич, қўл телефон гиллофларига қизиқувчилар ҳам, харидорлар ҳам бисёр бўлди.

Ҳатто уч-тўрт сайёҳ «Чаёнгил», «Қалампирнус» каби қадим нусха кашталардан, зардеворлардан сотиб олишди.

Кўргазма таассуротларга бой бўлди. Махфират опа янги танишлар орттирди: хунармандлар, каштадўзлар, тўкувчилар, чеварлар, попуричлар билан танишди, ўзаро фикр алмашиб, тажриба ўрганди. Кўпроқ ўзига яқин бўлган попуричлар иш усуллари билан қизиқди...

Махфират Турсунова ёшлигини да алоқачилик касбини танлагани: анча йил Китоб туман почта бўлимида телеграфчилик қилди. Кейин бироз муддат фабрикада ип йиғирувчи бўлиб ишлади. Лекин уларнинг неча авлод молавлари, қариндош-уруғлари каштадўзлик касбини кўз қорачигидек асраб-авайлаб, унинг нозик сир-асрорларини авлоддан-авлодга ўргатиб келаятган машҳур сулола эди. Махфират опа ҳам ўқувчилик даврида Салима момосидан, Ҳожалхон онасидан, чевар хопларидан кашта тиқишининг бир қанча усуллари, нозик жиҳатларини синчиклаб ўрганди. Ёшликда ўрганган хунари бежиз тошга ўйилган нақш, дейишмайди. Мустақабд тузум даврида қизлар бундай буюмларни асосан келинлик уйини безагани ўзлари учун тиқишарди. Сотиб даромад қилай деса, бу молнинг на дўкони, на

## “ИСТИҚЛОЛ — ҒУРУРИМ, МАҲАЛЛАМ — ФАҲРИМ” ТАНЛОВИГА

# Сулола

## ЁХУД САЛИМА МОМО ТИЛЛОЛАРИ



бозори бор эди. Ўртимиз мустақилликка эришган, азалий қадриятлар, маҳаллий урф-одатлар ва эзгу анъаналарни қайта тиклашга, маҳаллаларда асраб-авайлаб келинаётган миллий халқ хунармандчилигини, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга кенг йўл очилиб, қатор имтиёزلар ва имкониятлар яратиб берилди. Хурматли Президентимиз тақдир қилган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» да қанчадан-қанча юртдошларимизнинг иқтисодий салоҳиятлари юзага чиқди. Бундай гавжум хўрликлардан самарали фойдаланаётган Махфират опа ўз корхонасини янада кенгайтириб, янги иш ўринлари ташкил қилаётти, махсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кўпайтирмоқда.

Шуниси эътиборлики, каштадўзлар сулоласининг ҳозирги энг кекса вакили Салима момо Сафарова 111 ёшда, лекин ҳамон тетик, игнадан ип ўтказиб, неварою чеварларига кашта тикиши сирларини ўзи ўргатади. Гоҳо Махфират опа ҳам билмай қолган нарсасини момодан сўрайди. Ўзининг онаси 82 яшар Ҳожалхон ая Жалилова моҳир каштачи; тиккан буюмлари маҳтал бўлмай сотилади. Ҳожалхон аянинг сингиллари Махбуба опа билан Шоира опа-ниг кашталари ҳам харидорлар; улар узоқ вақт бадий буюмлар фабрикасида ишлаб, ўз касбининг усталари бўлиб кетишган.

Дарвоқе, Махфират опанинг қизлари Назира билан Нодиранинг кашталари ҳам нуфузли кўргазмаларда намойиш этилиб, муқофотлар олмақда. Аслида Назира Ўзбекистон миллий университетининг ўзбек филологияси факультетини тугатган, тумандаги маиший хизмат кўрсатиш касб-хунари коллежидан дарс беради. Нодира эса бу йил Тошкент давлат аграр университетига ўқишга кирди. Назира ўзи тиккан нафис кашталари билан 2009-2010 йили пойтахтимизда ўтган «Қўли гўлдир ўзбек аёлни» савдо кўргазмасида қатнашиб, Республика Хотин-қизлар кўмитасининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Ушанда кўмита раиси Фарида Акбаровна тўсатдан унга савол бериб қолди: — Олий маълумотли дипломинг, яхши касбинг бор экан. Нега бу ишни қилиб юрибсан? — Каштадўзлик авлодимизнинг қон-қошига сингиб кетган, — деди Назира кўмита раисига. — Нафакат оиламиз, бутун қариндош-уруғимиз билан шу ишни қилаемиз. Каштачилик буюмлари миллий хунармандчилигимизнинг нодир намуналари, аждодларимизнинг бебаҳо меросидир. Энди биз уларни келажак авлодларга шундай етказишимиз лозим.

Фахрий ёрлик топираётган кўмита раиси унинг гапларидан тўлқинланиб маҳкам бағрига босанди.

Ҳозир Назира «Нодирабегим Исмаилова» оилавий корхонанинг раҳбари бўлиб қўйилган. Шунда момо ҳам бир тутамгина иягини силки-тиб, «Бор, чолимдан қолган уйнинг чап деворидеги каштанинг ўргатди, сизлар ҳалол ишлаб, тўлиқ топиб келаясизлар», дейди. Салима момо ҳақ Истиқлол урфий беган имконият, шароит туфайли маҳаллаларда авайлаб сакланиб келган миллий касбу хунарлар чинакам тиллолар яратяпти. Бу мустақилликимизнинг, бебаҳо халқимизнинг, муқаддас Ватанимизнинг тиллоларидир!.. Эргаш ИБРОҲИМОВ



**ФЕСТИВАЛЬ**

**Тошкентда халқаро театр кунлари**

17-26 октябрь кунлари Тошкентда "Theatre.UZ/2011" халқаро театр фестивали ўтказилади.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ёшлар театри ҳамкорлигида ўтказилаётган халқаро театр фестивали мамлакатимиз театр ҳаётини бойитиш, хорижий ва маҳаллий театрлар ютуқлари, уларнинг ижодий салоҳияти билан халқимизни таништириш, турли юртлар саҳна маданиятларини намойиш қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Жорий йилда фестивал қамрови сезиларли даражада кенгайган бўлиб, унда мамлакатимиз шаҳар ва вилоятлардаги театрлардан ташқари, Буюк Британия, Германия, Исроил, Украина, Грузия, Озёрбайжон, Тожикистон ва Молдавия театр жамоалари иштирок этишади. Фестиваль доирасида Ўзбек Миллий академик драма театри, Муҳимий номидидаги Ўзбек давлат мусикали драма театри, Республика ёш томошабинлар театри, Ўзбекистон ёшлар театри, Республика кўчирчоқ театри каби ижодий жамоалардан фаолият кўрсатаётган постановкачи-рассомлар томонидан яратилган саҳна безаклари, декорациялар, эскизлар, картина ва фотосуратлар жамланган кўргазма намойиш этилади.

Икки йилдирки, мазкур фестивал кенг қамовли "Art Week Style.uz" санъат ҳафталиги доирасида ўтказилиб, минглаб санъат ихлосмандларини жалб этмоқда. Theatre.UZ театр санъати энг яхши анъаналарига нисбатан ўзаро тушуниш, ҳурмат туйғуларини янада кучайтириш, турли давлатлар театр саҳналарини яқинлаштириш мақсадини кўзлайди. Бу йил унинг доирасида Ю.Мисимнинг «Исповедь маски», Ф.Людвигнинг «Эгизаклар», Еврипиднинг «Медея», Н.Гоголнинг «Шинель», А.Рахматовнинг «Қумда севги жилolari», М.Войтиско-нинг «Маликани ким кутқаради?», Р.Ёриевнинг «Халқ муҳаббати», Алишер Навоий асари асосида ишланган «Лайли ва Мажнун», Н.Аббосхоннинг «Ўзбек рақси» каби қатор спектакллар намойиш этилади.

**Азима ҚИЁСОВА,**  
"Туркистон-пресс"

*Пойтахтимиз Тошкент санъат ихлосмандлари ва жаҳон киносанъати усталари диққат марказида. Бугун "Олтин Гепард" биринчи Тошкент халқаро кинофоруми иш бошлайди. Бу йрик анжумани юртимиз кино ихлосмандларига аталган ўзига хос совға, десак янглишмаймиз. Дунёнинг таниқли режиссёр, оператор, продюссер, актёр ва актрисалари, мутахассислари иштирок этадиган ушбу кинофорум ўзбек кино оламида катта воқеага айланиши шубҳасиз. Мамлакатимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш, ижодкорлар меҳнатини эъзозлаш ва рағбатлантириш борасида олиб борилаётган ишлорлар миллий кино санъатимизнинг янада ривожланишида, тараққий этишида, ўлмас асарлар яратилишида муҳим омили бўлмоқда.*

Миллий санъатимизнинг ўзига хос, бетакорр анъана ва мактабларини асраб-авайлаш, уни юртимиз ва хорижда кенг тарғиб қилиш, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, ёш истеъоддорларни излаб топиш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, кўллаб-қувватлаш борасида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси кўплаб лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Мазкур жамғарма ва "Ўзбекистон" миллий агентлиги билан ҳамкорликда "Art Week Style.uz-2011" санъат ҳафталиги доирасида ўтказилиши режалаштирилган мазкур анжуман ўзбек кино ихлосмандларига жаҳон кино санъатининг энг сара асарлари билан танишиш имконини беради. Фонд Форумнинг ушбу лойиҳаси "XXI аср тамаддунлари: маданиятлар мулоқоти" мавзусига бағишланган бўлиб, ушбу мавзу лойиҳанинг асосий ғоясини ифодалай беради. "Инсон тақдири — туйғулар фалсафаси" шиори остида ўтказилаётган кинофорумнинг мақсади турли мамлакатлар маданиятларининг ўзаро таъсири ва бугунги кун муаммоларининг умумийлигини идрок этишдан иборат бўлиб бу ғоя жаҳон кино оламининг етуқ вакиллари томонидан кўллаб-қувватланди.

"Олтин Гепард" Тошкент халқаро кинофоруми танловлари доирасида юртимиз кино ижодкорлари томонидан яратилган тўлиқ ва қисқа метражли бадий ҳафтада анимацион фильмлардан ташқари Европа, Осиё, Африка, Ши-

**КЎЗГУ**

**КИНОФОРУМ**



**"Олтин Гепард"**

**ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФОРУМИ "ИНСОН ТАҚДИРИ — ТУЙҒУЛАР ФАЛСАФАСИ" ШИОРИ ОСТИДА**

молий ва Жанубий Американинг эллика яқин мамлакатаи вакилларининг ҳам ушбу йўналишдаги асарлари кўриб чиқилиб, муносиблари саралаб олинди.

**Ақбар ҲАКИМОВ,**  
Санъатшунослик фанлари доктори, академик,  
"Олтин Гепард" Тошкент халқаро кинофоруми бош директори:

— Бугун бошланадиган кинофорумни ҳақиқий санъат байрами дейишимиз мумкин. Яқин бир ҳафта давом этадиган ушбу анжуманда ўзбек томошабинлари ва меҳмонлари 2 йил ичида жаҳон кино оламида суратга олинган энг сара фильмлар билан танишиш имконига эга бўлишадди. Лойиҳага тақдим этилган 300 га яқин фильмлар таниқли ижодкорлар ва мутахассислар томонидан саралаб олинди. Натижада 12 та тўлиқ метражли, 15 тадан қисқа метражли ва анимацион фильмлар танлов дастурига таъсия этилди. Фильмларнинг бадий савиясига ҳолиса баҳо бериш мақсадида нуфузли ҳакамлар ҳайъати тuzилган. Унинг таркибига кўп йиллар давомида Берлин ва Венеция кинофестиваллари га бошчилик қилган Мориц де Хадельн, Ганс Иоахим Шлегель, россиялик таниқли кино мутахассислари Егор Кончаловский, Андрей Хржановский, кинопродюссер, режиссёр ва "Олтин тулпор" Тайван кинофестивалининг куратори Пеги Чао, японлик таниқли режиссёр Шунья Ито, европалик кинопродюссер Режи Гезельбаш, машҳур "Unifrance" кино ташкилот вакили Ян Раймонлар билан бирга ўзбекистонлик таниқли мутахассислардан Нозим Тўлаҳўжаев, Аюб Шахобиддинов, Елқин Тўйчиевлар киритилган. Уйлайманки, бу кинофорум миллий киномиз-

ни жаҳон миқёсида кенг тарғиб қилиш имконини беради.

**Аюб ШАХОБИДДИНОВ,**  
режиссёр, ҳакамлар ҳайъати аъзоси:

— Қисқа метражли фильмларнинг кўригида қатнашдим. Улар орасида кўплаб кинофестивалларда голиб бўлган таниқли режиссёрларнинг асарлари ҳам бор эди. Саралашда роса қийналдик. Танловга таъсия этилган фильмларни барча талабларга жавоб берадиган мукамал асар дейиш мумкин. Режиссёр, тасвирчиларнинг ишини фарқлашга ҳаракат қилдик. Биз номи жанрдор, таниқли режиссёрларни эмас, балки, ёш, талантли ижодкорларни излаб топишни мақсади ҳам янги номларни кашф этишдан иборат. "Олтин Гепард" кинофоруми — "Энг яхши тўлиқ метражли фильм учун", "Энг яхши қисқа метражли фильм учун", "Энг яхши анимацион фильм учун", "Энг яхши режиссура", "Энг яхши эркак роли", "Энг яхши аёл роли" номинациялари бўйича голибларни аниқлайди.

Ўзбекистонлик кино ижодкорлар томонидан яратилган "Илова", "Кўрғошин" фильмлари тўлиқ метражли бадий фильмлар, "Анор", "Назар", "Зиддият ёхуд тақдир эшиги" фильмлари қисқа метражли, "Оқ товуқ" эса анимацион фильмлар танловида қатнашадиган.

**Дилноза КУБАЕВА,**  
актриса:

— Кинофорумнинг ўтказилиши биз киноижодкорларга бўлган эътибор намунаси, қолаверса, Фонд Форумнинг энг яхши лойиҳаларидан бири дейишимиз мумкин. Бу ўзбек киносини жаҳон киносига яқинлаштиради, деб ўйлайман. Ҳафта давомида кўплаб дастурлар ўтказилиши режалаштирилган. Уларда иштирок этиш бизга ҳам қувонч-бағиш-

лайди. Шу билан бирга дунё таниган, билган таниқли режиссёр, продюссер, актёр ва актрисалар билан суҳбатлашамиз, уларнинг маҳорат дарсларидан баҳраманд бўламиз. Ўзимизни қизиқтирган саволларга жавоб оламиз. Бизнинг фильмларимиз ўзининг миллийлиги, бадий савияси юқорилиги, инсон қадр-қимматининг улугланиши, ҳаё, ибо, меҳр-оқибат каби фазилатларни ўзгача ракурсда акс этиши билан ажралиб туради. Танловга тақдим этилган ижодкорларимиз томонидан яратилган фильмлар кўпчилигининг эътибори ва эътирофи га сазовор бўлади, деб ишонаман. Уларга омад тилайман.

Кинофорум кунларида танловдан ташқари турли дастурлар ҳам тақдим этилади. "Замонавий француз анимацияси", "Замонавий Германия анимацияси", "Мухрланган вақт (хужжатли кино)", "Замонавий ўзбек кино панорамаси", "Томошабинлар билан баб-баробар", "Non-Stop" (турли мамлакатларда суратга олинган энг сара қисқа метражли фильмлар) каби дастурлар намойиши шулар жумласидан.

Танлов дастуридан ўрин олган премьералар, танлов доирасидаги ва танлов ташқарисидаги асарларнинг намойиши, маҳорат сабоқлари, ижодий учрашувлар ва турли анжуманлар, мулоқотлар пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройи, Алишер Навоий номидаги кино саройи, Ўзбекистон Давлат санъат институти ва бошқа маданий масканларда бўлиб ўтади.

Барчангизни юртимизда илк маротаба ўтказилаётган "Олтин Гепард" биринчи Тошкент халқаро кинофорумига таклиф этамиз. Уйлаймизки, бу анжуман миллий кино санъатимизни янги тараққиёт босқичига олиб чиқади.

**Эркин Йўлдош,**  
"Milliy tiklanish" мухбири

Деворга ёзилган бўлса ҳам ўғит,  
Унга амал қилгай эси бор одам.

**БИЛАСИЗМИ?**

Ер юзидagi барча океанлардан энг узокда жойлашган худуд Хитойдадир.

Уэддела (Антарктида) денгизи сувлари сайёрамиздаги энг тоза сувлар сирасига киради.

**ТУРФА ОЛАМ**

**Кўҳна устахона**

**НОРВЕГИЯЛИК ОЛИМЛАР БЛОМБОС (ЖАНУБИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИ) ГОРИДА ҚАДИМГИ РАССОМЛИК УСТАХОНАСИГА ДУЧ КЕЛИШГАН.**

Берген университети олими, илмий гуруҳ раҳбари Кристофер Хеншилвуднинг гапига қараганда, бир неча минг йиллик тарихга эга ушбу устахонада рассом учун зарур бўлган табиий бўёқлар, идишлар, кукун ва бошқа хомашёлар топишган. Мутахассисларнинг тахминича, ўшанда ушбу табиий бўёқлар ёрдамида нафақат гор деворлари га, балки инсон танасига зеб берилган экан. Эҳтимол, улар буни ёввойи ҳайвонлардан ҳимояланиш мақсадида қилган бўлишлари ҳам мумкин.



**Вулқон "уйғонадими"?**

**ИСЛАНДИЯДАГИ ЭНГ ЙИРИК КАТЛА ВУЛҚОНИДА ФАОЛЛИК АЛОМАТЛАРИ ҚАЙД ЭТИЛДИ.**

Ҳозирча геофизик олимлар ваҳимага тушиш ноўринлигини таъкидлашмоқда. Уларнинг фикрича, вулқон бу йил умуман "уйғонмаслиги" ҳам мумкин. Шунга қарамай, кутқарув хизмати ходимлари вулқон яқинидаги турар-жойларда истиқомат қилувчи аҳолини хавфсиз жойларга эвакуация қилишни бошлаб юборган. Ёдингизда бўлса, 21 май куни Исландияда Гримсвотн вулқони отилди. Ушанда вулқондан таралган кул ва тутун ҳиди осмонга кўтарилгани натижасида Европанинг энг йирик аэропортлари вақтинчалик ёпилган ҳам эди.



**Музейнинг "иккинчи туғилиши"**

**20 ОКТАБР КУНИ ПАРИЖДАГИ ОРСЭ МУЗЕЙИ ТАМОМИЛА ЯНГИ КОЛЛЕКЦИЯЛАР БИЛАН ТОМОШАБИНЛАРНИ ХУШНУД ЭТМОҚЧИ.**

Музей директори Ги Когевалнинг айтишича, бу сафар томошабинлар музейнинг "иккинчи туғилиши" га гувоҳ бўлишадди. Қолаверса, музей экспозициялари орасида бутун дунёга машҳур рассомлар коллекцияси ҳам жой олиши кутилмоқда. Манбада келтирилишича, салкам икки йил давом этган музей реставрацияси учун 20 млн. евро сарфланган. Музейнинг таши ва ички дизайнига ҳам анча-мунча ўзгартиришлар киритилган. Энди музейга келган томошабин ўзини худди уйда юргандек ҳис қиларкан.



**Навбатдаги рекорд**

**АҚШДА ЎТКАЗИЛГАН "ҚАҲВА КУНЛАРИ"ДА ОРГАНИК ЧИҚИНДИДА ЮРУВЧИ АВТОМОБИЛЬ ЁРДАМИДА РЕКОРД НАТИЖА ЎРНАТИЛГАН.**

Маълум бўлишича, қаҳва машинасида ортган чикинди ёрдамида ҳаракатланувчи "Кофеомобиль" соатига 120 километрлик масофани босиб ўтган. Coffee Car Mark 2, деб номланувчи ушбу "кофеомобиль" Rover SD1 русумли машина Сэзаси асосида яратилган. Машина органик чикиндиларни қайта ишловчи махсус газгенераторга эга. Шу боис, қаҳва тайёрловчи автоматлардан ортган чикиндидан "кофеомобиль" ёқилги сифатида фойдаланади. Айни чоғда мазкур натижа Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олиши кутилмоқда.



**З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**

ЎзМТДП Маркази Кенгаши ва «Миллий тикланиш» газетаси жамоаси газета Бош муҳаррири ўринбосари Исмаи Худойёровга падари бузруквори

**НУСРАТУЛО отанинг**  
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Жиззах вилоят Кенгаши ўзМТДПдан сайланган Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгаши депутати Ғайрат Сайдиевга падари бузруквори

**АМРУЛЛА отанинг**  
вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардик изхор этади.

**КЎРГАЗМА**

**Ибн Сино менинг тасаввуримда**

*Ёшларимизни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда миллий маданият, маънавият ва тарихни чуқур ўраниши, уни тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ишда жаҳон фани ва маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк қомусий олимларимизнинг ҳаёт йўли ва ижодий фаолияти вояга етатган ёш авлод учун ниҳоятда ибратлидир.*

1999 йили юртимизда ташкил этилган "Ибн Сино" халқаро жамғармасининг асосий вазифаларидан бири ҳам шу. Буюк

қомусий олим, улуг табиб ибн Сино ҳаёти, унинг ижодий фаолияти ва таълимотини кенг оммага, айниқса, ёшлар орасида

тарғиб қилишга, шу орқали уларда маънавий-ахлоқий маданиятни юксалтиришга хизмат қилади. Ушбу вазифани амалдаги ижроси мисолида "Ибн Сино" халқаро жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси ҳамкорлигида Камолуддин Беҳзод меморил бог-музейида ташкил этилган Абу Али ибн Сино ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган "Ибн Сино менинг тасаввуримда" номли бадий кўргазмасини айтиш мумкин.

Кўргазмага қўйилган экспонатлар ёшларда катта таассурот қолдиргани шубҳасиз. Чунки, унда асосан ёшлар ўз ижод маҳсуллари билан қатнашишди.

Кўргазма экспозицияларидан ўрин олган 150 га яқин асарларнинг кўпчилиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар ўрта махсус таълим бошқармаси, Ўзбекистон Бадий академияси тасаруфидagi олий ўқув юртлари, академик лицей ва коллежаларнинг талаба-ўқувчилари ижодидан намуналардир. Улар ибн Сино босиб ўтган ҳаёт йўли, ижодий фаолияти ҳақидаги ўз тасаввурларини тасвирий санъатнинг турли шакли ва йўналишлари, жанрлари воситасида акс эттиришган.

Бугун ёшлар ижодида "Устоз-

шогирд" анъанаси тез-тез кўзга ташланади. Ушбу кўргазмага ҳам уста рассом ва ҳайкалтарошларнинг асарлари қўйилган. Ана шу асарлар атрофида бошланадиган кетган давра суҳбатлари анъана бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганини исботлай олди.

"Ибн Сино" халқаро жамғармаси раиси, профессор Шерзод Зокирхўжаев биз билан суҳбатда келгусида бундай кўргазмалар кенгроқ кўламда, республика, кейинчалик эса халқаро миқёсда ўтказилиши кўзда тутишимиз, деган фикрни билдирди.

Кўргазма ҳафталиги якунида барча иштирокчиларга сертификатлар, диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**